O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI

*Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!*

# Постда

ГАЗЕТА 1930 ЙИЛ 12 МАЙДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • Ўзбекистон Республикаси ИИВ нашри • 2005 йил 28 апрель, пайшанба • 17 (3598)-сон




# ТИНГЛОВЧИЛАР БЕЛЛАШУВИ

**Яқинда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси тингловчиларини ватанпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг хизмат бурчига содиқлиги, олий мақсадлар йўлида фидойилик кўрсатишга тайёргарлигини намоён қилиш мақсадида ўқув курсларининг иқтидорли тингловчилари орасида “Ўзбегим ўғлонлари” кўрик-танлови бўлиб ўтди.**

Республика Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ўзтелерадиокомпанияси, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати, Божхона Олий ҳарбий институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси ҳомийлиги ва ҳамкорлигида ўтказилган мазкур кўрик-танловда саралаш босқичларида ғолибликни қўлга киритган иқтидорли етти нафар тингловчи ўзларининг билим ва маҳоратларини намойиш этишди. Иштирокчилар етти йўналиш бўйича ўзаро куч синашишди. Яъни, икки узвий қисмдан иборат "Касбим – фахрим" йўналиши бўйича тингловчилар умумий билим ва кўникмаларини ҳамда ўзлари танлаган мутахассислик соҳасида эгаллаган маҳоратларини намойиш этишди.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, полковник Н. Расулов раислик қилган ҳакамлар ҳайъати иштирокчиларнинг ҳар бир хатти-ҳаракатини, билими ва дунёқарашини, илмий салоҳияти ва маънавий оламини синчковлик билан кузатиб, муносиб баҳолаб бордилар.

“Спорт мусобақалари” йўналишида йигитларимизнинг жисмоний тайёргарлиги синовдан ўтказилди. Улар намойиш этган самбо ва қуроллардан ҳимояланиш усуллари ҳам ҳакамлар томонидан юксак баҳоланди. “Интеллектуал дунёқараш”, транспорт воситаларини тузатиш ва ошпазлик маҳоратларини намойиш қилишни ўз ичига олган “Бир йигитга қирқ ҳунар оз”, ўзларининг нечоғлик тезкорлик ва чаққонлик билан ишлашларини кўрсатувчи “Кейс чемоданларини очиш” каби йўналишлар бўйича ҳам ўзаро беллашишди.

Ички ишлар идораларининг ходимлари нафақат замонавий билим ва кўникмаларга, шу билан биргаликда, бой маънавий оламга ҳам эга бўлиши лозим. Буни тингловчиларнинг “Санъатга муносабат” йўналишида намойиш этган чиқишлари яна бир бор исботлади. Бундан ташқари, йигитларимиз “Уй вазифаси” йўналишида ўзлари суратга олган фотоальбомни ҳакамлар ҳайъати ҳукмига ҳавола этишди.

Барча йўналишлар бўйича юқори натижаларни кўрсатган Бекзод Жуманиёзовни биринчи ўрин соҳиби деб эълон қилди ва унга замонавий компьютер тақдим қилинди. Иккинчи ўринни эгаллаган Отабек Маҳкамов рангли телевизор, учинчи ўрин эгаси Шукуруллахон Файзуллахонов эса мусиқий марказ соҳиби бўлди. Бундан ташқари, ғолибларни кўрик-танловнинг бошқа ҳомийлари ва ҳамкорлари ҳам тақдирлашди.

Кўрик-танловда иштирок этган Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитасининг раиси Светлана Инамова ва республика Ички ишлар вазири ўринбосари, полковник А. Шарафутдинов жиноятчиларга қарши курашда ҳалок бўлган ходимларнинг оила аъзоларига республикамизнинг энг сўлим сиҳатгоҳларига йўлланмалар тақдим этди.

**Суратларда:** *кўрик-танловдан лавҳалар.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган суратлар.**




УШБУ СОНДА:

ДУНЁ ҲАФТА ИЧИДА



3

РАҲБАР МАЪНАВИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

*“Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раҳбарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фазилатлар қаторида, аввало, ирода бақувватлиги ва иймон бутунлигини талаб қилади”.*

4

ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ АЁЛ



18

БАЛИҚ ЕСАНГИЗ – ДАРД КЎРМАЙСИЗ!



22

ТЎРГА... ЎҒРИ ИЛИНДИ

«...Шу пайт ўғри юқори қаватдан туша бошлади. Дарров дарахт панасига яширindим...»

24

*Ҳикмат излаганга ҳикматдир дунё*

*Само билан бўйлашаётган азим чинор ҳамон ердан қувват олмоқда...*

*«Постда» gazetasining ilovasi*




UCHINCHI OLAM

+ HAYRATOMUZ VOQEALAR, BOLAJONLAR SAHIFASI, MUNAJJIMLAR BASHORATI, SKANVORD VA KROSSVORDLAR, HAJVIYA, XANDALAR, SPORT YANGILIKLARI, INTERNET XABARLARI.

Давлат дастури амалда

# БАРЧАМИЗ МАСЪУЛМИЗ

**Жамиятда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга, аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашга, жисмоний соғлом ва маънавий жиҳатдан етук ёш авлодни тарбиялашга, фуқароларнинг жисмоний тарбия ва спорт билан фаол шуғулланишга кенг жалб этилишини таъминлашга йўналтирилган чора-тадбирларни амалга ошириш учун нафақат соҳа мутахассислари, балки барчамиз масъулмиз.**

Мустақиллигимизнинг ўн тўртинчи баҳорини бошлаб келган 2005 йилнинг "Сиҳат-саломатлик йили" деб эълон қилиниши айни муддао бўлди. Шу муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 25 январда қабул қилинган "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури тўғрисидаги Қарорини бажариш юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида ҳам қатор тадбирлар амалга оширилмоқда.

Энг аввало, мамлакатимиз Президенти И. Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган куннинг 12 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишдаги "Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади" деб номланган маърузасидан келиб чиқадиган қоидаларни Академия шахсий таркиби ўртасида кенг тарғиб этилишини таъминлаш йўлга қўйилди. Белгилаб олинган режага кўра, узлуксиз таълим, соғлиқни сақлаш, маданият, спорт тизимида халқнинг тарихий-маданий меросига ва ҳозирги замонавий фан ютуқларига асосланган маданий анъаналарни, ноёб қадриятлар тизимини шакллантиришга йўналтирилган тушунтириш тадбирларини йил давомида ташкил этиш кўзда тутилган.

Шунингдек, дастурдан тиббиёт кафедраси, тиббий бўлим, жисмоний тайёргарлик кафедраси ва тарбиявий ишлар бўлимлари бошқа кафедралар ҳамда бўлимлар билан биргаликда Академия шахсий таркиби ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, жамиятда тиббий маданиятни шакллантириш бўйича тарғибот ишларини олиб бориш, тамаки чекиш, спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик моддаларни истеъмол қилишнинг, ОИВ ОИТС ва жинсий алоқа орқали ўтадиган бошқа касалликларнинг олдини олиш масалаларини ёритиш, репродуктив саломатлик ва соғлом оилани шакллантириш бўйича тингловчилар билан суҳбатлар ўтказиш каби бир қатор муҳим тадбирлар ўрин олган.

Шунингдек, умумхалқ байрамлари, юртимиз тарихидаги унутилмас саналар ва буюк аждодларимиз хотираларига бағишлаб спорт мусобақаларини ўтказиш, тингловчилар билан республика тиббиёт музейига экскурсиялар ташкил қилиш, тоза сув, санитария ҳамда аҳоли саломатлиги мавзусида суҳбатлар ўтказиш, ётоқхоналарда истиқомат қилувчи тингловчиларнинг тиббий саводхонлигини ошириш, уларнинг репродуктив саломатлигини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси ва бошқа ташкилотларнинг ходимлари, шунингдек, мамлакатимизнинг етакчи тиббиёт олимлари билан бевосита мулоқотлар ташкил қилиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, "Сиҳат-саломатлик йили" давлат дастури мақсадларидан келиб чиқиб тузилган "ИИВ Академиясида "Сиҳат-саломатлик йили"да амалга ошириладиган тадбирлар" дастури яна бир қатор муҳим масалаларни ҳам қамраб олган бўлиб, унинг асосий мақсади Ватан равнақи, жамият осойишталиги ва юртимиз тинчлиги учун хизмат қиладиган жисмоний соғлом ва маънавий етук ёш авлодни тарбиялашдан иборат.

**Чори САИДОВ,**
*ИИВ Академияси тиббий тайёргарлик кафедраси бошлиғи, подполковник.*

**Дилшод НУРАЛИЕВ,**
*катта ўқитувчи, майор.*

«Пайҳон»

Сурхондарё вилояти Ангор тумани ИИБ ходимлари ҳам қишлоқ хўжалик экинларини пайҳон қилишга қарши курашда маҳаллалар фаоллари, посбонлар, дала қоровуллари билан ҳамкорликда бир қанча ишларни амалга оширмоқдалар. Ўтган давр мобайнида ана шу соҳада 20 дан кўпроқ салбий ҳолатлар аниқланди. Аниқланган ҳуқуқбу-

## МАСЪУЛИЯТСИЗЛИК

зарликларнинг каттагина қисми туманнинг Янгиобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Улуғбек маҳалласи фуқаролари ҳиссасига тўғри келмоқда. Масалан, шу маҳалланинг Самандар Бобомуродов, Хўжамурод Холиёров, Пардабой Чориев, Абдулла Чориевларнинг моллари томонидан келтирилган зарар миқдори 10.000 сўмдан ортади. Бу эса ана шу маҳалла профилактика инспектори, посбонлар, маҳалла фаоллари, қоровулларнинг суст ишлаётганидан дарак беради.

Шунингдек, туманнинг Зартепа маҳалласида яшовчи Тошмурод Худойқулов, Юқори Таллашқон маҳалласида яшовчи Хайрулло Раҳматов, Маданият маҳалласида яшовчи Нарзулла Зоиров, Гулнора Эргашевалар ҳам молларини ғалла майдонлари ҳамда бошқа экинзорлар атрофида боқилишига бепарво қараганлар. Кўпчиликнинг ризқи нобуд бўлишига йўл қўйганларга нисбатан Президентимиз қарори ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг тегишли бандларига кўра чоралар белгиланиб, етказилган зарарлар ундириб олинди.

**Эркин ТЎЛЯЕВ.**
*Сурхондарё вилояти.*

Хабарлар

# МИНТАҚАВИЙ ЎҚУВ МАШҒУЛОТЛАРИ

**Республика Ички ишлар вазирининг тегишли фармойиши талаблари асосида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Навоий ва Бухоро вилоятлари шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари бошлиқлари ўринбосарлари, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлим бошлиқлари ҳамда гуруҳ катта инспекторлари билан минтақавий ўқув машғулоти ташкил этилди.**

Машғулотларни Бухоро вилоят ИИБ бошлиғи, полковник Т. Саттаров очди. Ўқув машғулотлари шаҳар ва туманлар ҳудудларида фаолият кўрсатаётган марказий милиция таянч пунктлари, жамоатчилик масканлари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинлари, вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш маркази ва Бухоро вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ Кинология хизмати, хизмат итлари питомнигида ўтказилди.

Шу билан бир қаторда жанговар тайёргарлик бўйича махсус тайёргарликдан ўтган мутахассис ходимлар томонидан ички ишлар идораларида мавжуд бўлган қурол-аслаҳалар ва махсус воситаларни ўрганиш ва амалда қўллаш амалий машғулотлари Бухоро вилоят ИИБ ППХ ва ЖТСБ тасарруфидаги патруль-пост хизмати батальони тири ва жиҳозланган спорт майдончаларида бўлиб ўтди. Спортнинг волейбол мерганлик турлари бўйича мусобақалар ташкил этилди.

Волейбол бўйича мусобақада ғолибликка эришган Хоразм вилояти жамоасига диплом ва Бухоро тарихий обидалари тасвири туширилган эсдалик лаган топширилди. "Энг яхши мерган" мусобақасида ғолибликка эришган Бухоро вилояти жамоаси эса диплом ҳамда эсдалик қиличи билан тақдирландилар.

Бундан ташқари тингловчилар бўш вақтларида Бухоронинг зиёратгоҳ жойлари, меъморий ёдгорликлари, тарихий обидалари билан таништирилдилар.

Ўқув машғулотлари якунида тингловчилардан олган билимлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи, подполковник М. Мазанов раҳбарлигида, Бухоро вилоят ИИБ ШТБИХ бошлиғининг ўринбосари, подполковник С. Шарипов ва Бухоро вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи, подполковник У. Салимовлардан иборат комиссия томонидан тест синовлари қабул қилинди. Минтақавий ўқув машғулотлари тингловчиларига махсус гувоҳномалар топширилди. Тингловчилар билан ўтказилган барча назарий ва амалий машғулотлар, шунингдек, бошқа ташкилий тадбирлар жараёни видео тасвирга ва суратга туширилиб, алоҳида фотоальбом тайёрланди.

Машғулотларнинг иккинчи босқичида Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм, Бухоро ва Навоий вилоятлари шаҳар-туман ички ишлар бўлимлари ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлим бошлиқлари ҳамда гуруҳ катта инспекторлари қатнашишди.

Ўқув машғулотлари якунида тингловчилардан олган билимлари юзасидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ ППХ ва ЖТСББ бўлим бошлиғи, подполковник М. Мазанов раҳбарлигида, Бухоро вилоят ИИБ ШТБИХ ходими, подполковник К. Саидов ва Бухоро вилоят ИИБ ҲООБ бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Бобоевлардан иборат комиссия томонидан тест синовлари қабул қилинди.

Минтақавий ўқув машғулотларининг тугалланиши муносабати билан ўтказилган маросимда Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи, полковник Т. Саттаров маъруза қилди. Тингловчиларга махсус гувоҳномалар топширилди.

Ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш хизмати милиция таянч пунктлари профилактика инспекторлари билан ушбу ўқув машғулотларини давом эттирилмоқда.

**Абдулла ҲАМРОЕВ,**
*Бухоро вилояти ИИБ бошлиғи ўринбосари, полковник.*

## ДОЛЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Андижон шаҳридаги 37-ўрта мактабда "Исломдаги норасмий диний оқим ва гуруҳларнинг ғаразли мақсадлари" мавзуида учрашув бўлиб ўтди. Унда норасмий диний оқимлар томонидан амалга оширилаётган хунрезликлар ва уларнинг салбий оқибатлари билан бир қаторда ёшлар ўртасида содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг келиб чиқиш сабаблари, уларнинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида фикр юритилди. Андижон вилояти ИИБ вояга етмаганлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи катта инспектори, капитан М. Мамадалиев билан Андижон шаҳар ИИБ вояга етмаган ёшлар орасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш гуруҳи инспектори, лейтенант Х. Ҳакимовлар бу борада вилоят миқёсида, хусусан, Андижон шаҳрида қилинаётган ишлар ҳақида гапириб бердилар. Ички ишлар идораларининг томонидан ёшларнинг бўш вақтларини унумли ўтказишлари, ҳунар ўрганишлари мақсадида ташкил этилган чеварчилик, кулолчилик, доёндозлик каби ўнлаб тўгараклар фаолияти ҳақидаги ҳикоя ўқувчиларда қизиқиш уйғотди.

Ички ишлар ходимларининг ўқувчилар билан учрашувлари шаҳардаги бошқа мактабларда давом этмоқда.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**

## УНУТИЛМАС ЛАҲЗАЛАР

**Яқинда ИИВ Ички қўшинлар бош бошқармаси қошидаги "Турон юлдузлари" ашула ва рақс дастасининг санъаткорлари Китоб туманидаги 5-сонли меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳузурида бўлиб, бу ердаги болаларга қувонч улашдилар.**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист М. Холмедов ўзининг ичакузди ҳангомалари, латифалари ҳамда қўшиқлари билан барчани хушнуд этди. Ўз навбатида меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари томонидан тайёрланган ранг-баранг мусиқий чиқишлар меҳмонлар қалбидан чуқур ўрин олди. Учрашув сўнгида жажжи болажонларга 50 минг сўмлик совға-саломлар ҳадя этилди.

**Баҳодир ЭРГАШЕВ.**

Маърифат дарси

# РАҲБАР
## МАЪНАВИЯТИ ВА МАСЪУЛИЯТИ

*“Бугун раҳбар бўлиш ўзи осон эмас. Бу ўта мураккаб ва ўта масъулиятли иш. Бу иш раҳбарлик вазифасида ўтирган одамдан, бошқа фазилатлар қаторида, аввало, ирода бақувватлиги ва иймон бутунлигини талаб қилади”.*

**Ислом Каримовнинг Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқидан.**

Қайси жамиятда фуқароларнинг маънавий-маърифий, сиёсий-ижтимоий ва ҳуқуқий билимдонлиги юқори бўлса, унинг ривожланиши тезлашади. Саводхон фуқаролар орасидан интеллектуал салоҳияти билан ажралиб чиққан раҳбарларнинг жамият ривожига қўшадиган ҳиссаси ҳам салмоқли бўлади.

Раҳбар маънавияти ва масъулияти ҳақида фикр юритишдан олдин “маънавият” сўзининг асл ўзаги “маъни”, “маъно” деган мазмунни англатишини инобатга олсак, демак, ҳар қайси раҳбарнинг бажараётган ишида мазмун ва моҳият, бераётган топшириғида аниқ мақсад кўзланган бўлиши керак.

“Масъулият” сўзининг ўзаги “масъул”, “жавобгар” маъносини беришини назарда тутсак, улар зиммасига юклатилган вазифани ижро этишда жавобгарлик ҳисси доимо мужассам бўлиши лозим. Шу боис, бугунги раҳбарлардан касб нуқтаи назаридан етарли малакага эга бўлиш билан бирга билимли, онгли, мулоҳазали, мушоҳадали, дунёқараши кенг ва теран тафаккурга эга бўлиш ҳам талаб қилинмоқда.

Албатта, бунинг учун улар мунтазам равишда ўз устида ишлаши, ўқиши, ўрганиши ва изланиши керак. Давр шиддат билан илдам бораётган кезда улар нафақат замондан орқада қолмасликлари, балки халқдан бир қадам олдинда юришлари зарур.

Республика Ички ишлар вазирлигида асосий эътибор раҳбар ходимларнинг хизматга бўлган масъулиятини оширишга, маънавий ва маърифий савиясини юксалтиришга қаратилиб, уларнинг сафини айрим нопок, ношуд ва лоқайд ходимлардан тозалаш мақсадида барча шаҳар, туман ички ишлар идоралари раҳбарлари ҳамда уларнинг ўринбосарлари шаҳодат синовидан ўтказилди.

Вазирликнинг меъёрий ҳужжатларини, фаолиятга тааллуқли қонун ва қарорларни талаб даражасида билмаган, ходимлар томонидан хизмат интизоми ва қонунчилик бузилиши ҳолларининг кўпайиб кетишига йўл қўйган, ташкилотчилик қобилиятидаги нуқсонлар туфайли жамоада салбий муҳитнинг вужудга келишига сабаб бўлган, вазифаларнинг мазмун-моҳиятини шахсий таркибга етказиб бера олмайдиган, энг муҳими эса зиммасидаги масъулиятни ва шахсий жавобгарлик ҳиссини унутиб қўйган баъзи раҳбарлар шаҳодат синовларидан ўта олмадилар.

Раҳбарнинг билими етишмаса, ўрганиши мумкин, лекин у масъулият ва жавобгарликни унутса, ишда ҳеч қандай силжиш ва ўзгариш бўлмаслиги тажрибаларда кўп исботланган.

Маънавият ва масъулият бир-бирига шу қадар ҳамоҳангки, уларнинг бирини иккинчисидан ажратиб бўлмайди. Яъни масъулиятни ҳис қилиш учун маънавиятли, маърифатли бўлиш зарур бўлганидек, юксак маънавият соҳиби бўлиш учун ҳам киши ўзида масъулият, жавобгарлик ҳиссини туйиб меҳнат қилиши керак.

Қалбида миллатимиз тақдирини ўйлаш, унинг келажаги тўғрисида чин дилдан қайғуриш ҳисси жўш урадиган ва миллий қадриятларимизга ҳурмати баланд бўлган раҳбарлар, фуқаролар жуда кўп ва уларнинг юртимиз обрўси, миллатимиз шаъни ва қадр-қимматини юксалтириш йўлида қилаётган фидокорона меҳнатлари туфайли жамиятимиз равнақ топмоқда.

Бугун нафақат раҳбарларнинг, балки оддий ходимларнинг ҳам жамиятимизда кечаётган жараёнлардан бохабар бўлиб, давлатимиз томонидан олиб борилаётган сиёсатнинг асл мақсади ва моҳиятини тўла тушуниб, олдимизга қўйилаётган долзарб вазифаларнинг моҳиятини чуқур англаб етишини таъминлаш муҳим вазифа ҳисобланади.

Шу мақсадда вазирлик Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати олдига раҳбар ходимларнинг узлуксиз ўқишини ташкил этиш масаласи ўта муҳим вазифа сифатида қўйилди. Негаки, Вазирликнинг тегишли буйруқлари билан ташкил этилган “Маърифат” дарслари ва “Сиёсий ижтимоий ўқиш” машғулотларининг сифат ва самарадорлигини ошириш, ташкилотчи ва қатнашчиларнинг бу дарсларга муносабатини кескин ўзгартириш вақти келди. “Маърифат” дарсини йўриқномага айлантириш, хизмат тайёргарлиги ва “Сиёсий ижтимоий ўқиш” машғулотларини номига ўтказиш билан ходимлар маънавияти ва сиёсий савиясини, касб маҳорати ва малакасини талаб даражасида юксалтириб бўлмайди.

Шундай экан, ҳар қайси маънавиятли раҳбар мазкур машғулотларнинг рисоладагидек ташкил этилишига масъулият билан ёндошмоғини даврнинг ўзи тақозо этмоқда.

Бугунги кун раҳбарлари олдида турган вазифаларнинг жуда муҳимлигини ҳисобга олсак, улар ҳар томонлама баркамол ва етук, қобилиятли ва ишбилармон бўлишлари керак.

Айрим ҳолларда эса мана шундай сифатлар етишмайдиган раҳбарлар ҳам учраб туриши сир эмас. Уларни қайсидир амалдор тоғанинг паноҳида “юз яхшининг ичида бир ёмон юрса нима қилибди”, деган “илтимослар” орқасидан мансабга ўтирган “жиянлар” деб атасак, бундай раҳбарларинг касридан нафақат уларнинг қўл остидагилар, балки улардан юқори турувчи раҳбарлар ҳам азият чекишади. Айниқса, улар ўрта бўғинда кўпроқ учрайди. Таёқнинг боши ҳам охири ҳам бўлма, деган ақидага амал қилиб юрадиган бундай тоифадаги “раҳбарча”ларнинг айримлари зиммасидаги вазифани талаб даражасида уддалаш у ёқда турсин, кўрсатма ва топшириқларнинг мазмун-моҳиятини қўл остидагиларга тўғри тушунтириб беришолмасдан, уларни овора қиладилар.

Бундай раҳбарлар хусусида Президентимиз, “Битта бемаза раҳбар нафақат ишни барбод қилиши, балки минглаб инсонларнинг ҳаётини бузиши мумкин” дея жуда лўнда баҳо бердилар.

Бугунги ички ишлар идоралари раҳбарлари давлатимиз раҳбарияти томонидан қўйилаётган вазифаларни мунтазам ўқиб бориш билан бирга уларнинг мазмун-моҳиятини ва мақсадини уқиб олиши;

ҳокимият ваколатларининг маълум бир қисмини марказдан маҳаллий ҳокимият органларига ўтказишга қаратилган мавжуд қонун ва ҳуқуқий ҳужжатларни бир тизимга келтириш ва уларга қўшимча тарзда янгиларини ишлаб чиқишда фаол иштирок этиши;

суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва янада либераллаштиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани, жиноий ва процессуал қонунчилигимизнинг дастлабки тергов ва судгача бўлган жараён устидан суд назоратини кучайтириш билан боғлиқ айрим қоидаларнинг қайтадан кўриб чиқиш зарурати вужудга келганлиги муносабати билан бу жараёнда бўладиган ўзгаришларни мунтазам кузатиб бориши;

юртбошимиз томонидан давлат бошқарув соҳасида самарали ишлайдиган, янги тизимни жорий этиш ва уни шакллантириш вазифаси қўйилганлиги муносабати билан уни яратишда яқиндан иштирок этиши лозим бўлади.

Дарвоқе, Президентимиз янги тизим тўғрисида, бу тизим шундай ишлаши керакки, “бордию бирор бир мансабдор шахс давлат сиёсатидан чекиниб, ўз манфаатини давлат манфаатидан устун қўядиган бўлса, у кимлиги, кимнинг қариндоши, қайси раҳбарнинг оғайниси эканидан қатъи назар, муқаррар равишда жазосини олиши шарт. Яъни, бундай жазонинг муқаррарлигини шу одамдан юқори лавозимда ўтирганлар эмас, балки тизимнинг ўзи талаб этсин. Жамиятда ана шундай қараш, ана шундай тушунча шаклланган тақдирдагина қонунга итоат қилиб яшаш ҳаётий меъёрга айланади, қонун устуворлиги сўзда эмас, амалда таъминланади”, – деб алоҳида таъкидладилар.

Бундан шундай хулоса келиб чиқади. Демак, ички ишлар идораларининг ҳар бир раҳбар ходими янгича ишлашни ўрганиши ва давлат бошқарув соҳасида самарали ишлайдиган янги тизимнинг шаклланишида ўзининг муносиб улушини қўшмоғи зарур.

Изланиш, яъни ишга ижодий ёндашув масаласига келсак, бунда топширилган вазифани кўр-кўрона бажармасдан, мушоҳада билан уддалаш талаб этилади. Масалан, шахсий таркиб билан ўтказилаётган хизмат тайёргарлиги, “Сиёсий ижтимоий ўқиш” машғулотлари ва “Маърифат” дарсларини режада белгиланган мавзулардан сал четга чиқиб, ходимларга янги қўшимча маълумотларни бериш ҳам ижодий ёндашувга киради. Шунингдек, жиноятчиликнинг олдини олиш ва унга қарши курашда мавжуд усулларни такомиллаштириш борасида бош қотириш ва амалиётга жорий этиш ҳам мумкин. Муҳими, натижа самарали бўлиб вазифа адо этилса бўлди.

Дарвоқе, бунга бир ҳамкасб дўстим айтган мисолни келтирмоқчиман. Бир ички ишлар идорасининг раҳбари уларга мурожаат қилиб, ўғирлаб кетилган машинани олиб келиш учун уч-тўрт нафар ходимининг хизмат сафари ҳужжатларини расмийлаштиришини сўрабди. Улар ҳисоблаб чиқишса, ўғирланган машинани олиб келиш учун кетадиган харажат, ўша машина таннархидан ошиб кетар экан.

Албатта, бундай пайтда машинани олиб келишнинг арзон ва қулай йўлларини топиш учун бироз бош қотирмоқ, ижодий ёндашмоқ керак. Шу ўринда айрим раҳбарларнинг зиммасига юклатилган вазифани тезроқ уддалаш мақсадида кўзбўямачиликка йўл қўйиши ёки харажатни ошириб юбориш ҳоллари ҳам учраб туришини қайд этмоқчи эдим. Айрим идораларда давлат ҳисобидан ҳотамтойликка йўл қўядиган раҳбарлар “уловидан тушови” қимматга тушадиган ишларни ҳам иш бажарилса бўлди-да деган қабилда ижро қиладилар. Тома-тома кўл бўлур деганларидек, турли соҳалардаги кичик ва ўрта бўғин раҳбарларининг оқилона иш юритиши натижасида тежаладиган маблағлар, ножўя харж бўладиганларидан кўра яхшироқдир. Бу ҳам маънавиятли раҳбар зиммасига юклатилаётган масъулиятли вазифалардан бири.

Пировардида Президентимизнинг “раҳбар қанчалик ақлли ва ўткир, чуқур билим ва кенг тажрибага эга бўлмасин, таъбир жоиз бўлса, қанчалик тилло инсон бўлмасин унинг бир ўзи ҳеч нарсага эриша олмайди” деган фикрларидан келиб чиқиб хулоса қиладиган бўлсак, бугунги кунда ички ишлар идоралари тизимларида олиб борилаётган ислоҳотларни барча ходимлар раҳбарлари билан ҳамкор, ҳамфикр ва ҳамжиҳат бўлиб ҳаётга татбиқ этишсагина кўзлаган мақсадларимиз – халқимизнинг тинч ва осуда ҳаётини таъминлаб беришнинг уддасидан чиқамиз. Бунинг учун ҳар қайсимиз маънавиятли ва масъулиятли бўлсак бас.

**Шуҳрат РЎЗИЕВ,**
*ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати катта инспектори, майор.*

Ватанни қўриқлаш – марднинг иши

# УЛУҒ МАҚСАД САРИ

**"Ўз ҳаётини армиясиз тасаввур этолмайдиган, ҳарбий хизматни шунчаки иш эмас, Ватан ва халқ олдидаги муқаддас бурч, деб биладиган мард жангчиларимизнинг оғир ва масъулиятли меҳнати муносиб тақдирланиши лозим".**

**И. КАРИМОВ.**

Мамлакатимиз армиясининг салоҳияти, куч-қудрати кундан-кунга юксалиб бораяпти. Чунончи, Қуролли Кучларимиз сафларида ҳар жиҳатдан етук ва соғлом ўғлонлар хизмат қилмоқда. Мусаффо осмонимиз беғуборлигини, осойишта юртимиз тинчлигини таъминлаётган мард ўғлонларни ҳар қанча эъзозласак, ҳурмат-эҳтиром кўрсатсак арзийди. Зеро, Ватанни қўриқлаш, уни кўз қорачиғидай асраш ҳар бир ўғлоннинг муқаддас бурчидир. Бугун армиямизда ҳар томонлама соғлом, жисмонан бақувват, дунёқараши кенг йигитлар хизмат қилишаяпти. Йилдан-йилга миллий армиямиз профессионаллашиб бормоқда.

Йигитларни хизматга чақириш ва захирага кузатиш катта тантанага айланиб бораяпти. Бу эса ёшларимиз орасида хизмат қилишга бўлган иштиёқ, ҳаваснинг ортишига сабаб бўлаяпти. Бу борада ҳукуматимиз алоҳида эътибор қаратиб, тегишли меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқиб, керакли чора-тадбирларни белгилаб берди. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисидаги" Қарори талаблари жойларда изчиллик билан ижро этилаяпти.

Куни кеча Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ички қўшинлари Бош бошқармасининг ўта муҳим иншоотларни қўриқлаш бошқармасига қарашли полковник Радик Салахутдинов сардорлик қилаётган ҳарбий қисмда йигитлик бурчини адо этиб, захирага бўшатилган бир гуруҳ ўғлонларни кузатишга бағишланган тантанали маросим бўлиб ўтди.

Уни ҳарбий қисм командири ўринбосари, подполковник Иззат Ниёзов кириш сўзи билан очиб, аскарларга ота-оналари, жигаргўшалари бағрига соғ-омон етиб боришларини, келгуси ҳаёт йўллари ойдин, омадли бўлишини тилади.

Ички қўшинлар фахрийси, истеъфодаги подполковник С. Иванов ҳам йигитлик бурчини ўтаб, захирага бўшатилган ўғлонларни қасамёдларига доим содиқ қолишга чақирди. Шунингдек, маросимда иштирок этган Юнусобод тумани ҳокимияти, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати туман кенгаши, хотин-қизлар кенгаши вакиллари йигитларга ўзларининг эзгу ниятларини билдиришди.

Шундан сўнг аскарларга эсдалик совғалари ҳамда хизматни намунали ўтаганларга олий ўқув юртларига киришда имтиёз берувчи тавсияномалар топширилди. Аскарлар ИКББ намунали оркестри садолари остида сўнгги бор сафдан ўтишди. Тадбир якунида аскарларга дастурхон ёзилди ва улар уюшган ҳолда кузатиб қўйилди.



Фурсатдан фойдаланиб аскарлардан бирини суҳбатга тортдик.

– Мен оддий аскар Эрдавлат Ўразбоев Қорақалпоғистон Республикасиданман. Кўплаб йигитлар қатори мен ҳам аскар бўлишни орзу қилардим. Мана, ниятимга етиб, ўз йигитлик бурчимни ўтадим. Хизмат давомида жисмоний чиниқиш, қурол-аслаҳалардан фойдаланиш билан бирга ҳайдовчилик маҳоратимни янада оширишга эришдим. Энг муҳими, кўплаб дўстлар орттирдим. Инсонларни ардоқлашни, ҳаётни севишни ўргандим. Командирларим хизматимни юқори баҳолашиб, кўплар қатори менга ҳам тавсиянома беришди. Насиб қилса, автомобиль йўллари институтига ўқишга кирмоқчиман. Бизга билдирилган ишончни албатта оқлаймиз.

Ҳа, ҳақиқатан ҳам бир йил мобайнида ҳар томонлама чиниққан, ҳаёт машаққатларини енгиб ўтишга тобланган йигитларнинг ўз мақсадларига эришишларига ишончимиз комил.

**Қобилжон ШОКИРОВ.**

**Суратда:** *маросим пайти.*

**Сирожиддин ИДИРОВ олган сурат.**

Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги давом этяпти

# ҚИРҚ ҲОДИСАНИНГ АЙБДОРИ

## НАТИЖАДА ЎН КИШИНИНГ УМРИ ХАЗОН БЎЛДИ

**Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги қандай ўтаётганини билан танишиш учун Оқдарё туманига йўл олдик. Туманда ҳам худди шаҳардагидек ҳамюртларимиз қоидаларга эътиборсизлик қилишаркан.**

**Мана, болалар йўлни белгиланмаган жойдан кесиб ўтишди. Анови "Жигули" эса сал бўлмаса пиёдаларни уриб кетарди.**



**Суратда:** *вилоят ЙҲХБ катта инспектори, майор Ш. Ҳасанов "Оқдарё – Самарқанд" йўналиши бўйича қатнайдиган "Дамас" ҳайдовчиси билан суҳбатлашаяпти.*

**Муаллиф олган сурат.**

– Ойлик бошидан буён ҳайдовчилар томонидан қўпол қоидабузарликларга йўл қўйилган 40 та ҳолат қайд этилди, – дейди вилоят ИИБ ЙҲХБ катта инспектори, майор Шавкат Ҳасанов. – Уч ҳайдовчи маст ҳолатда машина бошқаргани аниқланди.

Ваҳоланки, ҳаракат хавфсизлиги ойлиги доирасида кенг тушунтириш ишлари олиб бораяпмиз. Аҳолини ойлик ўтказилаётгани ҳақида хабардор этувчи паннолар тайёрладик. Маҳаллалар, таълим муассасалари, бозорларда ва бошқа жамоат жойларида ҳар куни суҳбатлар ўтказилаяпти.

Одамлар ҳам қизиқ, ўз хавфсизликларини ўйлашмайди, шекилли. Бўлмаса, қуйидаги рақамларни қандай изоҳлаш мумкин? Биргина ўтган йили туманда 40 та йўл-транспорт ҳодисаси юз берди. Оқибатда 10 киши ҳалок бўлди, 30 фуқаро турли даражада тан жароҳати олишди. Ёки шу йил бошида "Самарқанд – Бухоро" йўналиши бўйлаб катта тезликда келаётган "Нексия" ҳайдовчиси бошқарувни йўқотиб қўйди. Натижада машина дарахтга урилиб, ҳайдовчи воқеа жойида оламдан ўтди.

Шунинг учун биз ўз фаолиятимизни янада кучайтиришимиз лозим деб ўйлайман. Бу йўналишда куч-ғайратимизни аямаймиз. Зеро, биронта ЙТҲнинг олди олинса, бир кишининг, балки бир неча одамнинг ҳаёти сақлаб қолиниши мумкин.

**Дилбар САЛОҲИДДИНОВА.**

**Андижон вилояти автомобиль йўлларида транспортлар қатновининг кун сайин ошиб бораётгани йўл-патруль хизмати ходимларига ҳаракат хавфсизлигини таъминлашда катта масъулият юкламоқда. Улар ана шу масъулиятни ҳис этган ҳолда хизмат қилишяпти. Натижада кўплаб қоидабузарликлар аниқланиб, содир этилиши мумкин бўлган қатор кўнгилсиз ҳодисаларнинг олди олиняпти.**

# МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТИБ

Чунончи, жорий йилнинг 15 апрелигача вилоят автомобиль йўлларида 77165 та қоидабузарлик аниқланди. Буларнинг 28360 таси қўпол, жумладан, 12386 таси тезликни меъёридан ошириш, 2196 таси светофор чироқларига амал қилмаслик ҳолатларидир. Шунингдек, транспортни маст ҳолда бошқарган мингдан ортиқ ҳайдовчи аниқланди.

Таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, жорий йилнинг ўтган даврида вилоят ҳудудида 206 та йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлди. Бунинг оқибатида 43 нафар ҳамюртимиз ҳаётдан бевақт кўз юмди. 200 киши эса турли даражада тан жароҳатлари олиб, касалхонага ётқизилди. Содир бўлаётган бундай кўнгилсизликларга биринчидан, ҳайдовчиларнинг йўл қоидаларига риоя қилмасликлари, тезликни белгиланганидан оширишлари сабаб бўлаётган бўлса, иккинчидан, пиёдаларнинг ҳаракатланиш қоидаларига бепарво муносабатда бўлишлари туфайли содир бўляпти.

Жалолқудуқ туманида яшовчи Мадина Тожибоеванинг ана шундай бепарволиги фожиа билан тугади. Марҳаматлик Отабек Қодиров ўз "Нексия"сида қатнов йўлига чиқиб кетган Мадинани уриб юборади. Бепарволик оқибати ёмон тугади – Мадина ҳаётдан кўз юмди. Худди шунингдек, Сурхондарё вилояти Жарқўрғон туманида яшовчи Баҳодир Эшонқулов ўзига тегишли "КамАЗ" юк машинасини "Андижон–Булоқбоши" йўналишида бошқариб бораётиб, йўлнинг қатнов қисмига тўсатдан югуриб чиққан, Булоқбоши туманилик И. Акромни уриб юборди. Бу воқеа ҳам Акромнинг ўлими билан якун топди.

Избосканлик Дилшод Каримов велосипедини серқатнов йўлнинг ўртасида бошқариб бораётганида пахтаободлик Муҳсин Тошматов бошқариб келаётган "Дамас" русумли машинага урилади. Муҳсин касалхонага ётқизилди.

Вилоят ИИБ ЙҲХБ ходимлари мазкур ҳаракат хавфсизлиги ойлигини уюшқоқлик билан ўтказиш мақсадида кенг тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб боришмоқда. Ушбу тадбирда ЙПХ ходимлари билан бир қаторда бошқа хизмат ходимлари ҳам фаол иштирок этишяпти. Тадбир давомида шунингдек, республикамизга ноқонуний равишда товарлар олиб кириш ёки юртимиздан товар моддий бойликларини олиб чиқиб кетишга уринаётган нопок кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари фош этиляпти.

**Шуҳратбек МАМАДАЛИЕВ,** *вилоят ИИБ ЙҲХБ бошлиғининг ўринбосари, подполковник.*

Тадбир

***Душанба куни Тошкент вилояти ИИБ мажлислар залида бошқарма тизимларида фаолият юритаётган ахлоқ-одоб ва интизом судлари раислари иштирокида семинар ўтказилди.***

***Уни ИИБ ШТБИХ бўлим бошлиғи, полковник М. Собиров очди ва маъруза қилди. Нотиқ, ахлоқ-одоб ва интизом судларининг хизмат интизомини мустаҳкамлаш, қонун бузилишларининг олдини олиш бўйича тутган ўрни, мавқеи, амалга оширилган ишлар билан бир қаторда йўл қўйилаётган камчиликларга алоҳида тўхталди.***

# АХЛОҚ-ОДОБ, ИНТИЗОМГА БАҒИШЛАНДИ

– Афсуски, ходимлар томонидан содир этилаётган салбий ҳолатларга ҳамма вақт ҳам холис баҳо берилмаяпти. Айрим ходимлар хизмат интизоми ва қонунчиликка риоя қилмаслик, тартиббузарлик, ахлоқсизлик, ҳатто жиноий хатти-ҳаракатлар содир этиш каби иллатларга йўл қўйиб, ички ишлар идоралари ходими деган шарафли номга доғ туширмоқда. Ҳамкасбларининг ҳам юзини ерга қаратяпти. Бунинг сабабларидан бири-жамоат ташкилотлари имкониятларидан тўлиқ ва самарали фойдаланилмаётганлиги, хизмат интизоми, қонун бузилишларига олиб келаётган сабабларни юзаки ўрганиш, зарурий чоралар белгиламаслик, ўз вақтида олдини олишга ҳаракат қилмасликдир. Жойлардаги судларнинг аксар ҳолларда номига тузиб қўйилганини, амалда ишламаётганини, фаолият юритаётгани ҳам таъсир чораларини тўғри тадбиқ этмаётганини таҳлиллар кўрсатмоқда. Суд ҳайъатининг вазифаси фақат жазолаш эмаслигини, бу ўринда жамоат иззаси, танбеҳи, огоҳлантириш, муҳокама этиш каби тарбиявий, таъсирчан усуллардан кенг фойдаланилмаётганини ҳам эътироф этмоқ жоиз.

Сўзга чиққан ШТБИХ бўлим бошлиғи ўринбосари, подполковник А. Хидиров йиғилганлар эътиборини шахсий таркиб томонидан содир этилган нохуш ҳолатларга қаратди. Ахлоқ-одоб, интизом судлари раисларини ИИВнинг бу борадаги буйруқ талабларини яна бир бор ўрганиб, уни тадбиқ этишга даъват этди.

Пискент туман ИИБ сафдор ва кичик бошлиқлар таркиби ахлоқ-одоб суди раиси, катта лейтенант Г. Суюнова:

– Шахсий таркиб мисоли бир оила. Кимнингдир юзи иссиқ, кимнингдир кўзи. Бирининг оиласини аясанг, бошқасининг ёшини ҳурмат қиласан, меҳнатига ачинасан. Аммо шуни англашимиз керакки, бугунги кўнгилбўшлигимиз билан уларнинг эртасини куйдириб юбориш мумкин. Касални газак олдирмай, жойида чора кўриш лозим, – дея сўзини тугатди.

Ўз навбатида сўзга чиққанлар: – Оҳангарон шаҳар ИИБ бошлиғи ўринбосари, подполковник Ҳ. Иноятов, 1-ЖИЭМ ходими, майор М. Каримовлар шахсий таркиб ўртасида хизмат интизомини мустаҳкамлаш, қонунбузарликка йўл қўймаслик борасида ахлоқ-одоб, интизом судларининг муҳим ўрни борлигини таъкидлаб, уларнинг фаолиятини жадаллаштириш юзасидан таклиф, мулоҳазаларини ўртага ташладилар.

Семинар сўнгида қатнашчилар ўзларини қизиқтирган барча саволларга жавоб олдилар.

**Муҳаббат ИБРАГИМОВА.**

Хизматларда

# ИШОНЧ ОҚЛАНМОҚДА

***Республика ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" республика бирлашмаси ва унинг жойлардаги қуйи тизимлари томонидан жорий йил бошидан буён ўн икки мингдан ортиқ халқ хўжалиги иншоотлари, ўта муҳим тоифадаги объектлар, шунингдек, ўн мингга яқин фуқароларнинг хонадонлари қўриқланмоқда.***

–Ходимларимиз ўзларига юклатилган вазифаларни намунали адо этиш билан бирга, билдирилган ишончни ҳам оқламоқдалар, – дейди биз билан суҳбатда Бирлашма бошлиғи, подполковник А. Юсупов. – Жорий йилнинг биринчи чорагида амалга оширилган ишлар натижасида қўриқланаётган объект ва фуқаро хонадонларига қилинган ўн еттита жиноий тажовузнинг олди олиниб, бирорта ҳам объект ҳамда хонадонларда ўғрилик содир этилишига йўл қўйилмади.

Хизматдаги муваффақиятлар, салбий ҳолатларга йўл қўйилмаётгани корхона, ташкилот ва фуқароларнинг ишончини тобора орттирмоқда. Натижада саккиз юзга яқин объект янгитдан қўриққа олинди. Уларнинг 730 таси замонавий усулда қўриқлаш-ёнғиндан огоҳлантириш воситалари билан жиҳозланди. Олти юз ўн нафарга яқини эса марказлаштирилган қўриқлаш пунктларига уланди. Ана шундай пунктларга уланган фуқаролар хонадонларининг сони эса минг нафардан ошиб кетди.

Қўриқланаётган объектларда юз бериши мумкин бўлган майда ўғриликларнинг олдини олиш борасида кўрилган чора-тадбирлар боис ҳуқуқбузарликлар содир этгани учун етти минг уч юз нафардан ортиқ фуқаро ушланди. Қонунбузарлардан мусодара қилиб олинган 35,7 млн сўмликдан ортиқ моддий-товар бойликлар мулк эгаларига қайтарилди. Қўлга олинган ташмачиларга нисбатан судлар томонидан 26 млн сўмдан ортиқ жарима солинди.

Қўриқлаш хизмати ходимлари объектлардаги моддий-товар бойликларнинг сақланишини таъминлаш, бу борада жавобгар шахслар ўртасида тарғибот-ташвиқот ва профилактика ишларини амалга ошириш мақсадида кўплаб учрашув ҳамда суҳбатлар ўтказдилар. Йўл қўйилаётган майда ўғриликларнинг сабабларини бартараф этиш, олдини олишни таъминлаш мақсадида корхона ва ташкилотларга 2682 та тақдимномалар киритилди.

Чорак давомида республика ички ишлар идоралари ҳузуридаги қўриқлаш бўлинмалари томонидан Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Давлат геология қўмитаси, "Ўзбекенгилсаноат" уюшмасига қарашли муассаса қоровуллари қўриғидаги объектлар нозирлик кўригидан ўтказилди. Қўриқлашда, объектларнинг техник мустаҳкамлиги борасида йўл қўйилган бир қатор камчиликлар аниқланиб, уларни бартараф этиш борасида мутасадди раҳбарларга тақдимномалар киритилди.

Республика қўриқлаш бўлинмалари ходимлари объект ва хонадонларнинг ишончли қўриғини таъминлаш билан бир қаторда ички ишлар идораларининг бошқа хизматлари ходимлари томонидан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, жиноятчиликка қарши курашиш борасида амалга оширилаётган бир қатор тадбирларда ҳам фаол иштирок этдилар. Натижада қўриқлаш хизмати ходимлари бир минг уч юз нафардан ортиқ фуқарони жиноят содир этганликда гумон қилишиб, ҳудудий ички ишлар идораларининг навбатчилик қисмларига келтиришган. Ушланганларнинг 31 нафари қотиллик, 79 нафари оғир тан жароҳати етказиш, 28 таси номусга тегиш, шунингдек, талончилик, хонадонлардан ўғрилик содир этиш ва бошқа жиноятларга қўл урганликлари аниқланиб, улардан деярли тўққиз юз нафарига нисбатан тергов идоралари томонидан жиноий иш қўзғатилган.

– Қўриқлаш хизматининг моддий-техник таъминотини яхшилашга алоҳида эътибор берилмоқда, – дейди Бирлашма бошлиғининг ўринбосари, подполковник Мўминхўжа Умарходжаев. – Хусусан, қўриқлаш бўлинмалари шахсий таркибини хизмат кийими билан таъминлаш мақсадида кийим-кечак харид қилиниб, жойларга тарқатилди. Қўриқлаш учун олинган объектларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизматнинг ишончлилик даражасини ошириш мақсадида замонавий сигнализация воситалари харид қилиниб, жойларга тарқатилди.

Яна шу нарсани алоҳида таъкидлаш керакки, хизматнинг шахсий таркиби ўртасида интизом ва қонунчиликни мустаҳкамлаш борасида ҳам мунтазам тадбирлар амалга оширилмоқда.



*ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмаси алоҳида милиция батальони 2-отряд 4-взвод ходими, катта сержант Т. Тешабоев хизмат пайтида.*

**Ш. ШЕРМАТОВА.**

# ИНСОН ИНСОНГА ҒАНИМАТ

**"Лоқайдлик бор ерда хато, совуққонлик бор ерда жиноят бор", деган эди немис ёзувчиси Георг Лихтенберг. Дарҳақиқат, айрим ҳайдовчиларимизнинг йўл ҳаракати қоидаларига совуққонлик билан қараб, турли йўл транспорти ҳодисалари келиб чиқишига сабабчи бўлаётгани бунга яққол мисол.**

Урганчлик Қ.Олланазаров ўзига биркитилган "Тойота" русумли автомашинани бошқариб бораркан тезликни меъёрдан анча оширди. Натижада велосипедда бораётган Шайхназар Бобожоновни уриб юборди. Ш. Бобожонов оғир жароҳат олиб, касалхонада вафот этди.

Боғотлик Ғ. Отабоев ҳам масъулиятни унутган ҳайдовчилардан ҳисобланади. У "Тико" русумли автомашинасида Боғот туманидаги Искандар Дўсов номли фермерлар уюшмаси ҳудудида истиқомат қилувчи пенсионер Сотимбой Ёқубовни уриб кетган. Натижада отахон воқеа жойида ҳалок бўлган. Шунингдек, боғотлик Баҳром Искандаров, Наримон Сапоев, Даврон Разазоқов, ҳазорасплик Жумабой Бобоев, Ўткир Қутлумуродов, Шуҳрат Селхонов, хонқалик Камолиддин Саидов, Рўзмат Хўжаметовлар ҳам транспорт воситаларини бошқариш қоидаларига риоя қилмасдан автоҳалокатлар содир этишган. Шуниси ачинарлики, баъзи ҳайдовчилар йўл-транспорт ҳодисаси содир қилиб, воқеа жойидан қочиб қолишга уринишади. Улар ҳатто шикаст етказилган жабрланувчига инсонийлик ёрдамини беришни ҳам хаёлларига келтиришмайди. Оқибатда ёрдамга муҳтож пиёда бевақт ҳаётдан кўз юмади ёки бир умрга ногирон бўлиб қолади.

Автомашина бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган, аниқроғи, ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ Қаҳрамон Ашуров маст ҳолда боғотлик Назарбой Жумабоевнинг машинасига ўтиради. У "ВАЗ-2106" русумли автомашинани бошқараётиб, тезликни оширади. Натижада пиёда Умид Эгамовни уриб юборади ва жабрланувчига ёрдам кўрсатиш ўрнига қочиб кетади. Умид Эгамов кўп қон йўқотиши натижасида воқеа жойида оламдан ўтди.

Бундай кўнгилсиз воқеалар рўй бермаслиги учун ҳар ким зиммасидаги масъулиятни янада теранроқ англаб, унга ижобий муносабатда бўлиши лозим.

**Улуғбек АБДУЛЛАЕВ,**
*майор.*

Ёнғин хавфсизлиги хизмати фаолиятидан

# ОЛОВҚАЛБ ҲИЛОЛА

**Одатда ички ишлар идораларида хизмат қилаётган аёллар ҳақида гап борганда айримлар бу эркакларнинг иши, хотин-қизлар учун тўғри келмайди, дейди. Ўт ўчирувчилар ёнида йигитлар билан бир қаторда ёнғин офатига қарши курашаётган аёлларни кўрганлар янада ажабланиши мумкин. Лейтенант Ҳилола Худойқулова қисмимизга иш сўраб келганида унинг йигитлардек шижоатини кўриб, бизнинг касбга мос эканига шубҳа билдирмагандик.**

Ҳилоланинг хизмат бошлаганига етти йилдан ошди. У аввалига диспетчерлик лавозимида ишлади. Бу вазифани аъло даражада уддалади десам хато бўлмас. Айримлар иш бошлагандан кейин, ўз вазифасинигина бажаришдан нарига ўтмайди. Изланиб, ўз устида ишлаш, маҳоратини ошириш учун ҳаракат қилмайди. Ҳилола эртанги кунга умид билан қарайдиган ёшлардан. Уни ёнғиннинг олдини олиш гуруҳига кичик инспекторлик лавозимига ўтказганимизда, биринчи галда қўлланмаларни чуқур ўрганди, билмаганларини муҳандислардан, керак бўлганда тортинмай раҳбарлардан сўради. Инсон ўзига талабчан бўлса, бошқалардан ҳам талаб эта олади. Ҳилола ёнғин хавфсизлиги қоидаларини шунчаки билиб олгани йўқ, уни бартараф этиш томонларини ҳам ўрганди. Биз хизмат қилаётган Навоий кон-металлургия комбинатининг корхона, завод, ташкилот ва муассасаларида ходимларимиз мунтазам назорат ва текширув олиб борадилар. Жумладан, Ҳилола Худойқулова 3-тоғ-металлургия заводига бириктирилган. Уни гоҳ ишчилар билан суҳбатлашаётгани, гоҳ болалар боғчасида кичкинтойларга ёнғин офати ҳақида тушунтириш бераётгани, гоҳида эса ёнғин келиб чиқиши мумкин бўлган агрегат, электр ускуналар, иситиш тармоқларини кўздан кечираётганида учратасиз.

Шу йилнинг февраль ойи бошида у комбинатда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш бошқармаси 8-ҲЁХҚ ёнғин олдини олиш гуруҳининг муҳандиси лавозимига ўтказилди. Албатта, лейтенант Ҳилола Худойқулова бу масъулиятли вазифани уддалайди ва парвози янада юксак бўлади, деган умиддамиз.

Дарвоқе, Ҳ. Худойқулова "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси" танловида бошқармадаги ҳамкасбларини ортда қолдириб, ғолиб бўлди. Танловнинг республика босқичида ҳам оловқалб Ҳилола муваффақиятли иштирок этиб, бошқармамиз шарафини ҳимоя қилиб, фахрли иккинчи ўринни эгаллади.

**И. ЭРГАШЕВ,**
*подполковник.*

# КЎРИК-ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

***Яқинда Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларининг аҳоли турар жойлари, халқ хўжалиги тармоқлари, корхона, муассаса ва ташкилотларда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш, уларни муҳофаза қилиш борасидаги ишларини барқарорлаштириш мақсадида "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси" дея номланган кўрик-танлови бўлиб ўтди.***

Республика кўрик-танловида иштирок этиш учун Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар, Тошкент шаҳри ҳамда ИИВ Навоий кон-металлургия комбинатининг ЁХБсидан биринчи босқич кўрик-танлов ғолиблари, яъни вилоят миқёсида аниқланган "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчилари" ташриф буюрдилар.

Кўрик-танлов шартларига кўра, биринчи босқич ғолиблари иккинчи босқичда Тошкент шаҳрида жойлашган "Тошкент дон маҳсулотлари" корхонасида ёнғин хавфсизлиги ҳолатини ўрганиб чиқиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш мақсадида асосли тавсиялар бериш борасида ўзаро беллашдилар ҳамда махсус тузилган тест синов саволлари асосида ўзларининг касбий маҳоратларини, билим савияларини намойиш этдилар.

Кўрик танлов якунига кўра "Давлат ёнғин назоратининг энг яхши хизматчиси" деб Наманган вилояти Наманган шаҳри ИИБ ЁХБ 1-сон ҲЁХО катта инспектори, лейтенант Музаффар Абдувалиев топилди ва ғолибга Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЁХББсининг Фахрий ёрлиғи топширилди. Фахрли иккинчи ўринни олган НКМК ЁХБ 8-ҲЁХҚ муҳандиси, катта лейтенант Ҳилола Худойқулова ва учинчи ўринни олган Бухоро вилояти Бухоро шаҳри ИИБ ЁХБ инспектори, катта лейтенант Меҳриддин Якубовларни танловда фаол иштирок этиб, хизмат вазифаларига сидқидилдан ёндашишларини ҳамда билим савияларининг юқори эканлигини намоён этдилар.

**Феруза САЪДУЛЛАЕВА,**
*капитан.*

# ЭЪТИБОРСИЗЛИКНИНГ АЯНЧЛИ ОҚИБАТЛАРИ

***Инсонлар қадимдан оловдан ўз эҳтиёжлари учун фойдаланиб келган. Бироқ ундан фойдаланишнинг ҳам ўз йўли, қонун-қоидаларига тўғри амал қилинсагина бехавотир бўламиз. Олов билан ҳамнафас ҳаётимиз биздан доим ҳушёр бўлишни талаб этади.***

Шунингдек, ҳар бир уй соҳиби ва соҳибаси рўзғордаги электр асбобларидан тўғри фойдаланишлари лозим. Шуни унутмаслик керакки, электр асбобларининг ортиқча қизиб кетиш ҳоллари ҳам ёнғин содир бўлишига олиб келади. Хонадонларда электр тармоғига бир вақтнинг ўзида бир неча ток қабул қилувчи воситалар улаш жуда хавфли. Ошхонада қозондаги ёғни доғ қилаётганда назоратсиз қолдириш аянчли ҳолларга олиб келиши мумкин. Ёқиб қўйилган электр-иситгич асбобларини, қаровсиз қолдирмаслик керак. Ёниб турган газ плитаси устида кир қуритиш, бензинда кир ювиш ҳолатлари кучли ёнғин чиқишига сабаб бўлиб, кўнгилсиз воқеалар рўй беради.

Одатда тандирхона ва ошхона бинолари хавфсиз, очиқ жойда қурилгани маъқул. Яшаш уй томларида ҳар хил ёнувчи буюмлар, иккиламчи уй-рўзғор жиҳозларини сақлаб бўлмайди. Табиий газни резина ичаклар орқали улаш хавфли. Айниқса, тунда газни ёниқ қолдириш ярамайди. Чунки тунда газ босими ортиб, бахтсиз ҳодиса содир этилиши мумкин. Шу ўринда ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этмаслик оқибатида келиб чиққан айрим кўнгилсиз ҳодисаларни келтириб ўтамиз.

Олмалиқ шаҳридаги Ш. Рашидов кўчаси 34-уйда болаларнинг гугурт ўйнаши оқибатида ёнғин келиб чиққан. "Олмалиқ – Пискент" йўлида қурувчилар вагон-уйчасининг ёниб кетишига ҳам болаларнинг олов билан ўйнаши сабаб бўлган. Тошкент туманидаги Й. Охунбобоев номли ширкат хўжалигида яшовчи Ҳожиматовлар хонадонида 4 ёшли Дилшоднинг қаровсиз қолиши сабабли, газ плитани ўйнаши ёнғин келиб чиқишига олиб келган.

**Рамзия СУЛАЙМАНОВА,**
*катта лейтенант.*

# «ХОТИРЖАМЛИККА БЕРИЛМАСЛИК ЛОЗИМ»

***Андижон вилоятида жорий йилнинг шу даврига қадар 150 дан ортиқ ёнғин содир бўлиб, 6 киши тан жароҳати олди, 2 киши вафот этди. Бу рақамлар ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан кам. Лекин бу билан хотиржам бўлиш керак эмас, албатта. Қўлга киритилаётган ютуқлар ўз-ўзидан бўлмаяпти. Юқори натижаларга эришиш учун ҳар бир ходимнинг икки ҳисса кўпроқ хизмат қилишига тўғри келмоқда.***



Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари асосий эътиборни аҳоли ўртасида профилактик ишларни кучайтиришга қаратяптилар. Бунда оммавий ахборот воситалари имкониятларидан кенг фойдаланиляпти. Шунингдек, ёнғин хавфсизлиги қоидалари бўйича мунтазам равишда давра суҳбати, учрашувлар ташкил этилмоқда. Ёнғиннинг салбий оқибатларига доир сурат-лавҳалар, турли чақириқлар, огоҳлантиришлардан иборат плакатлар, варақалар тайёрланиб, жойларга тарқатилган. Ҳар бир хонадонда текширув ишлари олиб борилмоқда. Жойларда электр тармоқлари, газлаштириш идораси, халқ таълими бошқармаси, шунингдек, йирик корхона ва ташкилотлар билан ҳамкорликда алоҳида дастурлар ишлаб чиқилган.

– Ёнғин ҳодисалари кундан-кунга камаймоқда. Бироқ бу ўт ўчирувчиларнинг иши камайди, дегани эмас, – дейди вилоят ИИБ ЁХБ бошлиғи, полковник С. Сайдалиев. – Айни кунларда фаолиятимиздаги баъзи муаммоларни бартараф этишга ҳаракат қиляпмиз. Гап шундаки, Андижон шаҳри аҳоли зичлиги жиҳатидан республикада олдинги сафда туради. Шаҳардаги хонадонларнинг жуғрофий жойлашиши, маҳаллаларнинг қадимийлиги хонадонларда ёнғин содир этилганида тезда ўт ўчириш имкониятини чеклаб қўйган. Бу ҳудудларда сув ҳавзалари бўлмаганлиги сабабли икки-уч чақирим наридаги сув гидрантларидан фойдаланишга тўғри келади. Вилоят ҳокимлиги билан ана шу муаммони ҳал этиш имконини излаяпмиз.

Ходимларнинг касб маҳоратларини ошириш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Бунинг учун турли тадбирлар, ўқув машғулотлари ташкил этганмиз. Яқинда вилоятимиз ўт ўчирувчиларининг амалий спорт мусобақасини ўтказдик. Унда Андижон, Қорасув, Асака шаҳарлари, Шаҳрихон, Пахтаобод туманлари ва "ЎзДЭУавто" қўшма корхонаси ўт ўчирувчилари фаол иштирок этдилар.

Бор имкониятлардан унумли фойдаланиб, жойлардаги ёнғин ҳодисаларини ўз вақтида бартараф этиб, унинг олдини олишда ҳар бир жамоанинг ҳиссаси катта бўлмоқда. Айниқса, Қўрғонтепа, Бўз, Олтинкўл ва Шаҳрихон туманларида амалга оширилаётган ишлар ибратлидир. Бу каби вазифаларни сифатли бажариш борасида Қўрғонтепа тумани ИИБ ЁХБ катта инспектори, катта лейтенант Ўктамжон Усмонов, Асака туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан Иқболжон Абдуллаев, Шаҳрихон туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, катта лейтенант Эркинжон Жабборов, Олтинкўл туман ИИБ ЁХБ катта инспектори, капитан Иқболжон Бадалбоев каби ходимларимиз эса ҳамкасбларига ўрнак бўлмоқдалар.

**Саминжон ҲУСАНЗОДА.**



**Суратларда:** ***(юқорида) Шаҳрихон туман ИИБ ЁХБ ходимлари – бўлинма командири, катта сержант Солиев Муҳаммадабдулла, сержант Ҳусанбой Исмоилов, сержант Саидбурхон Султонов ва ҳайдовчи, сержант Қобилжон Темировлар амалий машғулот пайтида; Олтинкўл тумани ИИБ ЁХБ ходимлари навбатдаги ёнғинни бартараф этиш олдидан.***

«Постда» gazetasining ilovasi




UCHINCHI OLAM

+ HAYRATOMUZ VOQEALAR,
BOLAJONLAR SAHIFASI,
MUNAJJIMLAR BASHORATI,
SKANVORD VA KROSSVORDLAR,
HAJVIYA, XANDALAR,
SPORT YANGILIKLARI,
INTERNET XABARLARI.

Сир-синоат

# АРВОҲ БЕЗОВТА БЎЛСА...

*Ҳар қандай қабр тоши остида дунё тарихи ётади.*

**Генрих ГЕЙНЕ.**

**Хосиятсиз зоналарни ўрганиш билан шуғулланувчи муҳандислик биолокацияси бўйича Москва уюшмаси мутахассислари ғалати хулосага келишди. Уларнинг аниқлашича, Ленинград шоссесининг 73-чақиримида тез-тез йўл-транспорт ҳодисалари юз берарди.**



Қадимги ҳужжатларни ўрганиш чоғида бир пайтлар йўлнинг шу қисмида қабристон бўлгани аниқланди. Тадқиқотчилар Москванинг қадимий архив ҳужжатларини диққат билан ўрганиб, йўқ қилинган қабристонларни харитага туширишди. Улардан бирининг ўрнига болалар боғчаси қурилган эди. Мутахассислар ана шу ерда батафсил биолокация текшируви жараёни ўтказишди. Шунда иккита геопатоген, яъни хосиятсиз жой аниқланди. Уларнинг бирида тарбияланувчининг стули турган. Охири шу тарбиячи оқ қон касалидан вафот этади. Иккинчи жойда эса бир болакайнинг караваоти жойлашган эди. Бу тарбиячи тез-тез касалликка чалиниб турарди. Каравотнинг жойини ўзгартиришгач, кўп ўтмай бола тузалиб кетди.

Илгари қабристон бўлган жойларга қурилган уйларда истиқомат қилувчилар ҳам роса қийналишган. Масалан, Армен Агурян ва хотини Лариса яхши жойдан уй сотиб олишади. Улар уч йил азоб чекишгач, ахири уни сотишга қарор қилишди.

– Кечалари тузук ухлолмасдим, – дея хотирлайди Лариса. – Туни билан даҳшатли тушлар кўриб чиқардим. Гоҳида мени тириклайин кўмишаётган бўлишарди. Баъзан қариндошларим кетма-кет ўлишаётганини туш кўрардим. Кундузи ҳам оромим йўқ эди. Доимо нимадандир хавотирланардим, негадир ўзимни айбдор ҳис қилардим. Қандил ўз-ўзидан тушиб кетган, сувоқ кўчиб тушган пайтлар бўлган. Икки марта сал бўлмаса хонадонимиз ёниб кетарди. Тез-тез кир ювиш машинаси, телевизор бузилиб қоларди. Қўшниларнинг ҳам турмушини тузук деб бўлмасди. Кўп қаватли уйимиздаги деярли ҳамманинг болалари касалманд эди. Эрлар тугул, хотинлар ҳам ичкиликка берилиб кетганди. Ўзаро жанжалларни-ку айтмай қўя қолай. Хуллас, ҳаётимиз заҳарга айланганди.

Мана, саккиз юз йилдирки, Москвада эски бинолар ва қабристонлар бузилиб турилади. Бир пайтлар шаҳар ҳудудида беш юзга яқин қабристон бўлган. Ҳозир бир нечтасигина сақланиб қолган. Бугунги кунда москваликлар яшаётган кўп қаватли уйларнинг анчамунчаси эски мозористонлар ўрнида бунёд этилган.

Қабристонларни режа бўйича бузиш шоҳ Иван III замонида бошланган эди. Айниқса, Пётр I ва унинг қизи Елизавета I даврида бу жараён янаям кенг қулоч ёйди. Москванинг Хитой шаҳар (Китайгород), Оқ шаҳар қисмларидаги қабристонлар текисланиб, устларидаги қабртошлар қурилиш ишларида фойдаланилади.

Хусусан, совет ҳокимияти даврида кўплаб бузиш ишлари амалга оширилди. 1931 йилда Москвани реконструкция қилиш бош режаси ишлаб чиқилди. Унга кўра Москва канали қирғоқларига қабрларга ўрнатилган ёдгорлик тошларини ётқизишди. Шаҳардаги ҳар тўрттадан битта қабристон йўқ қилинди. 1812 йилги Ватан уруши қаҳрамонлари дафн этилган мозористон ҳам ана шу "қора рўйхат"га кирди. Урушдан кейинги йилларда бир пайтлар Александр Пушкин Наталья Гончарова билан никоҳдан ўтган черков ёнидаги қабристон ҳам текислаб ташланди. Йўқ қилинган қабрлар ўрнига ҳашаматли турар жойлар қад ростлади. Уларда яшовчиларнинг аксарияти марҳумларнинг арвоҳлари норози бўлиши, ўч олиши мумкинлигини хаёлларига ҳам келтиришмасди.

Олимлар ва экстрасенслар қабристонлар ҳудудида салбий энергетика (қувват) мавжуд бўлиши сабаби борасида турлича тахминларни илгари суришади. Масалан, геология-минералогия фанлари номзоди Егор Усачов қувват ахбороти ҳақидаги фараз тарафдори. Унинг фикрича, қабристонларда кишиларнинг онг ости сезгиларига таъсир этувчи салбий қувват тўпланиб қолади. Бу эса галюцинация, даҳшатли тушлар кўришга сабаб бўлади, баъзан бедаво дардларни келтириб чиқаради. Меъморчилик бўйича мутахассис Михаил Лимонат ҳам узоқ йиллардан буён хосиятсиз жойлар масалалари билан шуғулланади. Унинг тахминича, марҳумларнинг скелетлари (суяк қолдиқлари) гўёки индукцион ғалтак вазифасини ўтайди. Бу ғалтак ўз навбатида электромагнит нурланишларини кучайтиради. Айнан шунинг учун унинг фикрича Ер ва коинотдаги ўзгаришларга қараб қабристонларнинг ҳам теварак-атрофга таъсири ўзгариб туради. Лимонатнинг кузатишларига қараганда, вақт ўтгани сайин қабристонлардаги нурланиш даражаси пасайиб боради.

Хуллас, қабристонларнинг инсон саломатлигига таъсири борасида фаразлар турли-туман. Аммо улардан келиб чиқадиган хулоса битта. Яъни эски қабристонлар шу жойларда қурилган турар жойлар, болалар боғчалари, истироҳат боғлари, сайлгоҳлардаги одамларнинг соғлиғига, руҳиятига салбий таъсир кўрсатади.

Ер юзида яшовчи деярли барча халқлар, миллатлар қабристонларни турар жойлардан иложи борича узоқроқда жойлаштиришади. Бу бежиз эмас. Қувват ахбороти соҳаси бўйича мутахассисларнинг аниқлашича, ташландиқ ёки ҳозирда ҳам майит кўмиладиган қабристонлар яқинида одамларнинг кўнгли озган, боши оғриган, баъзиларнинг эски (сурункали) дардлари қўзиган.

Тўғри, табиий хосиятсиз (патоген) зоналар мавжуд. Аммо инсон фаолияти туфайли юзага келадиганлари аввало шахталар ва қабристонлар экан. Яқинда Санкт–Петербург геологлари тиббиёт мутахассислари ва биолокация бўйича операторлар билан бирга шаҳар ҳудудини текширувдан ўтказишди. Олинган натижалар ҳайрон қоларли. Қарангки, шаҳарликларнинг турли касалликларга чалиниши биринчи галда зарарли ишлаб чиқариш ёки ҳавонинг заҳарланиши билан эмас, балки йирик аномал (хосиятсиз) ҳудудларнинг мавжудлиги билан боғлиқ экан.

Айни пайтда қабристонларнинг киши руҳига ижобий таъсирини ҳам унутмаслик, инкор этмаслик керак. У биз бандаларга бу дунёнинг ўткинчилигини, ҳаммамизнинг борар жойимиз битталигини эслатиб туради. Вақти-вақти билан қабристонни зиёрат қилиб турган киши ҳаётга бошқача назар ташлайди: манманлар камтар тортади, ношукрлар шукр қилади, бахиллар сахийлик қилгиси келади, гуноҳкорлар тавба-тазарру қилади...

# BOLALAR SAHIFASI

Kunlardan bir kun...

## EGRIQO'LLIK YOMON ILLAT

Karimjon bilan Shavkat maktabdan qaytib kelishardi. Karim yo'lda yotgan koptokni ko'rib qoldi. Uni Shavkatga ko'rsatib:

– Anavi koptokni qara, yur olib ketamiz, – dedi.

– Birovnikini nima qilasan, buvam hech qachon yo'lda yotgan narsani olmagin deganlar, – dedi Shavkat.

Karim unga quloq solmay borib koptokni oldi va tepib keta boshladi. Sal nari yurishgan edi, orqalaridan bir ayolning:

– Hoy bolalar, koptok o'zlaringnikimi? – deb so'rab qoldi.

Shavkat endi gapirmoqchi edi. Karim:

– O'zimniki, – deb baqirdi.

O'rtog'ining bu ishidan ranjigan Shavkat unga hech nima demay, tez-tez yurib ketdi.

Karim uyiga kelganda hovlida yurgan singlisi koptokni ko'rib:

– Aka, menga bering, men o'ynayman, – deb xarxasha qildi.

Karim bermadi va koptokni chorbog' tomonga tepib yubordi.

Singlisi oshxonada kuymalanib yurgan oyisiga borib, akasining qilgan ishini aytib berdi. Karim ovqatlanib o'tirganida oyisi, chorbog'dan koptokni topib keldi va so'radi:

– Bu koptok kimniki?

Karim nima deyishini bilmay, vaziyatdan qutilish uchun:

– Shavkatniki, – dedi.

– Koptok kerak bo'lsa, o'zim olib beraman, darrov egasiga olib borib ber, – dedi onasi.

Karim nima qilarini bilmay qoldi. Ovqatlanib bo'lgach, koptokni egasinikiga olib bordi. U endi devordan oshirib yubormoqchi edi, boya koptokni surishtirgan ayol eshikdan chiqib keldi. U nima bo'lganini tushundi va:

– O'g'lim hali yosh bolasan, egri qo'llik yomon illat. Seni ota-onang yaxshi odamlar ekan, qaytarib yuborishibdi, ularning yuzini yerga qaratma, - dedi.

Karimjon kelib oyisiga hammasini aytib berdi.

**Sadriddin ABDULLAUEV.**



## XANDALAR

O'g'il otasiga dedi:

– Dada, bir vaqtlar siz sinfdan sinfga o'tolmagan ekansiz-a?

– Xo'sh, nima bo'libdi? – so'radi otasi.

– O'sha tarixiy voqea, oilamizda yana ro'y berdi, men ham sinfdansinfga o'tolmadim, – dedi o'g'il mag'rur.

* * *

**– Oyi, kecha Olimjon maktabga kitob, daftarlarsiz, quruq sumkasini ko'tarib kelibdi,– dedi Baxtiyor.**

**– O'qituvching nima dedi? - so'radi onasi.**

**– Uni uyiga qaytarib yubordi. Bugun esa hamma bolalar daftar, kitobsiz kelishibdi.**

* * *

**– Oyi, itimiz aksa urdi, – dedi kichkina Nigora.**

**– Sog' bo'l demadingmi, – dedi kulib onasi.**

**– Menga kim rahmat deydi? – dedi Nigora.**

* * *

– Komil, nima qilyapsan, o'g'lim? - so'radi otasi.

– O'zimga ozim xat yozyapman, dada.

– Nimalar deb yozyapsan? – kuldi dadasi.

– Xatni pochtadan olgandan keyin bilaman.

**Qadrli bolalar! Quyonchani uyiga yetib olishi uchun yordamlashib yuboring.**





## IKKITA BIR XIL RASMNI TOPING



**O'TGAN SONDA BERILGAN SKANVORD JAVOBLARI:**

BO'YIGA: **Ekolot. Arktika. Kalxat. Ul. Mi. Saodat. Shabada. Bol. Muzqaymoq. Pomir. Bois.**

ENIGA: **Matematika. Ellik. Til. Ux. Alpomish. As. Ot. Kalta. Bab. Obi. Qor. Istak.**

## ТАБРИКЛАЙМИЗ!

Тошкент шаҳар Собир Раҳимов тумани ИИБ ЖҚ ва УЖҚҚБ катта тезкор вакили, майор **Жамшид ИРМАТОВ**нинг туғилган куни билан самимий табриклаймиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам саломатлик, ишларида катта ютуқлар тилаймиз.

**Эҳтиром ила ҳамкасблари.**

* * *

Сирдарё вилояти ИИБ ҳузуридаги қўриқлаш бўлими ходими, катта сержант **Умрзоқ ҒАФФОРОВ**ни туғилган куни билан самимий муборакбод этамиз. Ҳамкасбимизга узоқ ва мазмунли умр, мустаҳкам соғлиқ, оилавий хотиржамлик, машаққатли ва шарафли хизматида омад ва ютуқлар тилаймиз.

**Ҳурмат ила ҳамкасблари.**

**Тошкент Давлат иқтисодиёт университети томонидан 1995 йилда Лайло Нарзуллаевна Тойирова номига берилган 040350 рақамли диплом йўқолгани учун**

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ**

## БИР КУЛИШАЙЛИК



– Тишингни асрашни хоҳлайсанми?
– Хоҳлаганда қандоқ!
– Унда тишларингни ҳар куни икки марта юв, йилда икки марта стоматологга кўрин ва ... ўзингга алоқадор бўлмаган ишга бурнингни тиқма.

* * *

**– Муздеккина пиво ичишни хоҳлайсанми?**
**– Жиддий сўраяпсанми?**
**– Йўқ, устингдан кулаяпман.**

* * *

Тижорат банки директорининг хонасига ҳисобчи югуриб кириб:
– Хўжайин, кассиримиз йўқолиб қолди!
Директор:
– Сейфнинг ичига қарадингизми?
Ҳисобчи:
– У сейфга сиғмайди!
Директор:
– Мен пул жойидами деяпман, галварс!

* * *

**Ўқитувчи:**
**– Болалар, ҳозирда кишининг қайси қобилияти кўпроқ қадрланади?**
**Орқа партадан кимдир:**
**– Тўлов қобилияти...**

* * *

– Дўстим, билиб қўй, бари бир бу дунёда ҳалоллик ўғриликдан юқорироқ баҳоланади.
– Нега шундай хулосага келдинг?
– Яқинда бировнинг тозисини ўғирлаган эдим. Кучук бозорида ақалли беш минг сўмга ҳам баҳолашмади. Эгасига топширган эдим, ити топилганига қувониб 10 минг сўм суюнчи пули берди.

* * *

**– Валижон, пастга ўйнагани туш!**
**– Йўқ, адамнинг жаҳллари ёмон. Дарсимни қилаётганларида ўйнасам аччиқлари чиқади.**

* * *

Ота-оналар мажлиси. Ўқитувчи бир онага:
– Ўғлингиз дарсда тўполон қилгани-қилган. Бунинг устига бирорта ҳам дарсни қолдирмайди.

* * *

**– Алло, хотинингиз машинасини устахонамизга таъмирлатгани олиб келди.**
**– Ташвиш тортманг, харажатини ўзим тўлайман.**
**– Устахонамизни таъмирлаш харажатларини-чи?**

* * *

Йўловчи:
– Вагонда чекиш мумкинми?
Вагон назоратчиси:
– Йўқ.
Йўловчи:
– Унда манови кулдондаги сигаретларни ким чеккан?
Вагон назоратчиси:
– Рухсат сўраб ўтирмайдиганлар.

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

## Келгуси ҳафта учун



**ҚЎЙ.** Сизни муҳаббат эҳтирослари, янги учрашувлар, муносабатлар кутяпти. Дўстлар даврасини кенгайтириш вақти етди. Қийин ишларга қўл урмай одамлар орасида кўпроқ бўлишни маслаҳат берамиз.



**СИГИР.** Бу ҳафтада туғилганлар тартибни бузмасликлари керак. Иш жойингизда муҳим ўринда эканлигингиз намоён бўлиши кутиляпти. Тижорат ишларини тузишда ташкилотчилик, ҳомийлик қилишга қурбингиз етишини ҳисобга олинг. Саломатлигингиз бобида ҳам ўйлаб кўринг, шифокорларга учрашинг шифо топасиз. Муҳтожларга ёрдам қўлини чўзишни унутманг.



**ЭГИЗАКЛАР.** Бу ҳафтада имкониятлар четлаб ўтиш мумкин. Молия ва ишдаги муаммолар кўпайиши кутиляпти. Буларнинг барчаси сизни ўйлашга ва бир қарорга келишга ундайди. Ўзингизни ташвишларга кўмиб ташлашни маслаҳат бермаймиз. Дам олиш кунлари яхши битимлар, ёрқин ғоялар билан кайфиятингизни кўтаришлари мумкин.



**ҚИСҚИЧБАҚА.** Келажак ҳақида чуқурроқ ўйлаб кўриш вақти етди. Пайшанба, жума, шанба кунларини оила, рўзғор муаммоларини ҳал этишга бағишлаш мумкин. Хизмат юзасидан сафарга чиқиш, расмий кишилар билан учрашув, жиддий ҳуқуқий масалаларни ҳал этиш кутилмоқда. Дам олиш кунлари меҳмонга бориш ёки меҳмон кутиш борасида танлов ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.



**АРСЛОН.** Иш одатдагидек асосийси бўлиб қолади. Чоршанба-пайшанба кунлари шахсий, уй муаммолари туғилиши мумкин. Арслонларнинг аксарияти ўзига яқин ёрдамчи излаб қолиши кутиляпти. Ўз фойдангизни кўзлаб, майда ишларга аралашмасликни маслаҳат берамиз. Шанба ва якшанба кунлари яқин кишингиздан мурувват кутинг, хурсанд қилиши эҳтимолдан ҳоли эмас.



**БОШОҚ.** Масаланинг катта-кичигига қарамай унга эътиборлироқ бўлган маъқул. Яқин киши ёки дўстлардан ёрдам келиши эҳтимоли бор. Тижорат, умуман, даромаддан кўнглингиз равшанлашадиган пайт келганига ўхшайди. Жуда тежамкор бўлмасдан дўстларга ва муҳтожларга ёрдам беришни унутманг. Келажак ҳақида ҳам ўйлаб акциялар сотиб олиш фойдадан ҳоли эмас.



**ТАРОЗИ.** Эски ишларни эсдан чиқармай, бир ортга қараб қўйиш керак. Саломатлик, сирли ишлар ҳақида ҳам ўйлаб кўринг. Шунинг учун ички муаммоларни биринчи навбатга қўйинг. Бунда яқин кишингиздан ёрдам кутишингиз мумкин. Муаммолар гирдобига тушиб қолишдан эҳтиёт бўлинг, дам олишни ҳам ўйланг.



**ЧАЁН.** Ҳаракат қилиш, ташаббус кўрсатиш яхшигина даромад олиш учун кенг имконият бўлиши кутиляпти. Буларнинг барчасига эришиш ўзингизга боғлиқ, омад кулиб боқса ажаб эмас. Чоршанба куни эҳтиёткорлик талаб этилади. Қолган кунлари келгуси ишлар учун мустаҳкам асос яратишга қулай имкониятни қўлдан бой берманг.



**ЁЙ.** Чўнтакка барака кирадиганга ўхшайди. Фақат бунинг учун сабр, қизишмаслик, шошилмаслик лозим. Акс ҳолда тескариси бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас. Айрим ёйлар учун йирик қалам ҳақи, даромаддан катта улуш тегиши мумкин. Бу омаддан саломатликни тиклаш, рўзғор камчиликларини бутлашга сарфлашни маслаҳат берамиз.



**ТОҒ ЭЧКИСИ.** Ҳафта қизиқарли, юморларга бой бўлиши кутиляпти. Айрим омадсизлик, камчиликлардан руҳингиз тушмасин, ҳар қолда олдинда чироқлар ёниб турибди. Эски танишлар, қариндошлар билан алоқани тиклаш келгусида фойда бериши мумкин. Ҳаёт ҳаракат, изланишни талаб этади. Имкониятни ишга солиш омад эшигини қоқишдир.



**ҚОВҒА.** Иккиланмай янги ишни бошлаш мумкин. Аввалига унум бўлмаслиги табиий, бироқ эртанги кунлар учун мустаҳкам замин яратганингиз аён бўлади. Яқин кишилар, дўстлар билан алоқани мустаҳкамлашни унутманг. Уй ишларига ёрдамлашиш ҳам зиммангизда бўлсин. Янги нарсалар харид қилиш кутиляпти. Энг муҳими, саломатликни эсдан чиқарманг.



**БАЛИҚ.** Ҳафта таассуротларга бой, қизиқарли ўтиши кутилмоқда. Кайфиятни кўтариш, турли йиғин, кувноқ давралар ташкил этиш, мароқли дам олиш ҳафтаси бўлади. Барчаси маромида ўтгани маъқул. Етишиб бўлмайдиган мақсад сари интилгандан кўра, бор имкониятдан фойдаланган афзаллигини эслатиб ўтамиз.

## «Маънолар маҳзани»

### БИР ҚОРАГА – БИР ҚОРА, БЕРМАГАННИНГ БЕТИ ҚОРА

Қора – бу ерда қорамол, қўй, эчки маъносида келтирилган. Кўчманчи чорвадорлар турмушида шундай таомил бор эдики, бир одамникига фавқулодда меҳмон келиб қолса-ю, унга сўйишга ўзида мол бўлмаса, дарҳол қўни-қўшнидан бирор мол олиб сўйиб, меҳмон қилиб юборар эди. Кейин шу қарзга олган бир қораси ўрнига бир қорани қайтариб берарди. Шундай фавқулодда зарур бўлиб қолганда қарзга қора бермаслик, нокаслик қилиш – катта айб ҳисобланарди. Берманганнинг бетига ҳам қарамасдилар, ҳатто “тўп”га солиб, унга “тўққиз айб” қўярдилар (тўқиз айб – жарима, улоқдан тортиб туягача тўққиз бош молни ундириб олиш).

### БИР ҚЎЙ КЕТИДАН МИНГ ҚЎЙ ТЎЯДИ

Қўйда ўзига хос шундай яхши бир одат борки, у яйловда ўтлаб юрганида ўтни бир чимдим тишлаб еб, ўтиб кетаверади. Унинг кетидан келаётган қўйлар ҳам шу йўсинда ўтлаб, тўйинадилар. Бошқа ҳайвонлар эса ўтни таптақир қилиб еб, ўзларидан кейин келаётганларга қолдирмайдилар. Шунинг учун улар ўтни бир-бирларидан қизғаниб, сузишиб, тепишиб, бир-бирларидан ўзиб кетишга ҳаракат қиладилар ёхуд тарқоқ ўтлайдилар. Мажозда сахий, қўли очиқ, кўнгли доим тўқ одамни бошқа ҳайвонотга ташбиҳ этиб, мазкур мақол билан: "Битта сахий одамнинг шарофати туфайли бир қанча одам баҳраманд бўлади", дейилмоқчи.

### БИР ҚЎЙЛИКНИ МИНГ ҚЎЙЛИК ҚИЛГАН – АРСЛОНДИНИНГ ЕРИ, МИНГ ҚЎЙЛИКНИ БИР ҚЎЙЛИК ҚИЛГАН – АРСЛОНДИНИНГ ЕЛИ

Халқимизда бу мақолнинг келиб чиқиши билан боғлиқ бўлган бир ривоят борки, унинг қисқача мазмуни шундай: “Туркистон шаҳрининг жануби-шарқий тарафида Арслонди деган бир яйлов жой бор. Қадим замонларда бир камбағал одам шу ерга келиб қолиб, бисотидаги биттаю-битта қўйини боқа бошлаган. Арслондининг ери ўт-ўланларга жуда бой экан. Ҳалиги одам қараса, иши юришадиган. Кейин шу ерга ўтов тикиб, турғун бўлиб қолибди. Қўйи эгиз-эгиз туғиб, йил сайин кўпайгандан-кўпайиб кетаверибди. Ахири қўйларининг сони мингга етибди. Ўша йили қиш одатдагидан қаттиқ келибди. Кучли бўрондан қочган қўйлар ҳар тарафга изғиб, Арис дарёсининг ёқасига борганда қайга қочарини билмай, бирин-кетин ўзини сувга ташлай бошлабди. Эртасига бўрон тингач, эгаси қўйларини қидириб-қидириб, дарё ёқасига бориб қолибди. Қараса, дарё тарақлаб музлаган. Муз орасида қолиб кетган қўйларнинг боши, қулоғи, оёғи у ер-бу ердан чиқиб, кўриниб турган эмиш. Шунда минг қўйидан ажраб, ўтовида боқаётгани янги туққан совлиғигагина эга бўлиб қолган ҳалиги одам афсусланиб, юқоридаги гапни айтган экан... Мазкур мақолни бирор ўзга юртга бориб бойлик орттирган, обрў-эътибор топган, аммо пировардида хор-зорликка учраган одамга қарата мажозий маънода қўллайдилар.

Йилнинг энг яхши футболчиси
1
Европа давлати пойтахти
Жуда оғир
Козок полвони
Қамоққа олиш
Дўстлик
Сув ва кудуклик жонивори
... Кубро
Баҳодир ... (рассом)
2
Ер учрашуви
Мусулмонлик фарзи
Товланиш
Махсус ёзув
..дам
Вилоят (Россия)
Белги олмоши
Англия шаҳри
От абзали
Таниқли
3
Қазноқ
Норвег адиби
...жом
Дўст
Билимдон аёл
Турар жой
Дарахт аъзоси
Авто қисм
Устки томон
4
Роҳат
Америка саноатчиси
Ўзбек адибаси
Туткин
Саид Аҳмад асари
Ҳиндча исм
Маслаҳат, мажлис
Мўғилистон шаҳри
Рангли металл
Африка давлати
Ўрта аср қозоқ хони
Сайёранинг ҳаракат йўли
Ҳаёт моддаси
Тожикистон шаҳри
Тола экини
5
Чорва озиқаси
Совға
Ўлжа
Тўсиқ
Кулги
Суратқашлик
Замин
Нота



Манфаат
Маъмурий худуд
Ой
Фурсат
Бурж
Само қатлами
Бўйинга ўралувчи мато
Кўҳна Хитой уйини
Амир Темурнинг она шаҳри
Белги
6
Нотиқ
Авто қисм
Яхши, эзгу савоб
Фарқ
Хоккей тўпи
... Даби (пойтахт)
Қозоқ шоири
Баъзан





...оқ
Истиҳола
Буюк, улуғ
Аёл исми
Тўғрилик, софлик
Кадимий курол
Режа, мўлжал
Шохмот донаси
Одат
7
Табиий фан
Рақам
Миллий маросим
Коинот
Қирмизи
Германия шаҳри
Экинзор
Тожикистондаги маъданли ормогоҳ
Доир
Кўз қисми
Вақт ўлчови
Муборакбод
Жуда
Космик кема
8
Ижодкор
9
Пардоз, чирой
Кам
Таом



Қозон ўрни
Ман этиш
... Беруний
Спорт
Кокил
Ҳарбий қисм
С.Анорбоев романи
Асл
Қаллиқ
Африкадаги мамлакат
10
Кадимги Волга

| | | | | | | | | | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 4 | 5 | 6 | | 5 | 8 | 1 | 4 | 9 | 2 | | 10 | 5 | 3 | 4 | 1 | 7 | 8 | 2 | , |
| 4 | 5 | 6 | 9 | 2 | | 5 | 8 | 1 | 4 | | 10 | 5 | 3 | 4 | 8 | 2 | 8 | . | Фозилжон ОРИПОВ тузди. |

**ЎТГАН СОНДАГИ СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:**

ЭНИГА: Қашқадарё. Равиш. Чин. Дўкондор. Домна. Ун. Аорта.Наби. Макка. Салт. Дала. Ҳажв. Он. Ардоб. Аккорд. Чита. Бисот. Арно. Хил. Руҳ. Ироқи. "Маяк". Аш. Ди. Орол. Ияк. Кардан. Ра. Авар. Мопарда. Полк. "Бемор". Оч. "Наво". Грин. Рика. "Ажам". Абу. Асно. Нор. Жавдари. Кран. Евле. Важ. Саванна. Паспорт. По. Сода. Меҳинбону. Шикор. Касал. Вагон. Абира. Бром. Суяк. Фа. Лаззат. Дафтар.

БЎЙИГА: Одамгарчилик. Экскаватор. Андава. Нозанин. Арнольд. Агра. Аввало. Баст. До. Азон. Нун. Қомат. Ара. Ирода. Ақоид. Скрипка. Ар. Шиддат. Акция. Аянч. Ҳамкор. Прожектор. Иш. Наргис. Арена. Баҳори. Палахмон. Мина. Контейнер. Аминов. Бор. Сешанба. Уран. Воронеж. Оқ. Зина. Ҳисор. Авра. Абр. Саудия. Вена. Алп. Сон. Обуна. Макон. Наркоз. Сас. Чикаго.

КАЛИТ СЎЗ: **Қуёш нури, даво дури.** *(Ҳикмат).*

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан

# ИРОДАСИ МУСТАҲКАМ АЁЛ



**Андижон вилояти ички ишлар бошқармаси биноси. Комила опа дарвозадан кираётиб қўлида бола кўтарган ёшгина жувонни кўриб беихтиёр тўхтади. Салом-аликдан сўнг жувон:**

**– Опа, бошлиқнинг олдига кирмоқчи эдим, – деди ийманибгина.**

**– Тинчликми, синглим, нима масалада кирмоқчисиз, балки менинг ёрдамим тегар? – деди Комила опа унинг ҳаяжонланаётганини кўриб.**

**– Эрим шу ерда ишлайдилар, – деди-ю бошқа сўз демай боласини бағрига босиб қўйди.**

**– Қани юринг-чи, ичкарида гаплашамиз, – деди Комила опа.**

**Хонага кирганларидан кейин, жувон муддаога ўтди.**

**– Тўрт кундан бери уйга келмаяптилар, илгари ҳам икки-уч кунлаб йўқ бўлиб кетардилар, – деди жувон кўз ёшини артиб.**

**Комила опа эрининг кимлигини суриштириб, қаерда эканлигини телефонда билди.**

**– Синглим, эрингизни яхши танийман. Бир жиноятчи қочиб кетибди. Ҳусанжон уни қидириб, Қирғизистонга кетган, ушласа қайтади, – деди жувонга.**

**– Доим баҳоналари шу, – деди жувон.**

**– Баҳона эмас, хизмат шуни талаб этади. Ҳар хил хаёлларга бориб, маза-бемаза гапларга учаверсангиз, юракка ғулғула тушиб ҳаловатингиз йўқолади. Мухтор Султоновни эшитган бўлсангиз ўша киши турмуш ўртоғим бўлади. Тўрт йил ичида учта туманга кўчиб бордик. Мана, бир ҳафта бўлди – Тошкентга кетганлар, ишга чақиришган. Бугун-эрта ҳисоботларни тугатиб, уч бола билан кўч-кўронимни олиб Тошкентга кетаман.**

**Комила опа жувонга хизмат талабларини ётиғи билан тушунтирди. Кейин:**

**– Синглим, эрингизни севарканcиз, унинг касбини, ишини ҳам яхши кўриш, тушуниш, ўзига ишониш керак. Бу хизматдагиларнинг аёллари иродали бўлмасак, улар бемалол ишлай олишмайди, – деди.**

**Комила опа уни кузатиб қўяркан ўзининг ёшлиги эсига тушди.**

... Уруш бошланганда Комила мактабда ўқирди. Отаси зиёли киши бўлгани боис, қизини марказдаги номдор, йирик олий ўқув юртларида ўқитиш ниятида намунали мактабга ўқишга берганди. Ёзги таътилда билим даргоҳи госпиталга айлантирилади. Тўққизинчи синфни битирган Комилани ёшлар ташкилотига чақириб, котибаликка таклиф этишади. Кейин йўлланма билан хавфсизлик хизматига юборишади. Комила ҳужжатларни расмийлаштириш, юритиш ва бошқа ишларни тезда пухта ўрганиб олади. Энг муҳими, марказдан келадиган рус тилидаги ҳужжатлар билан ишлашда қийналмасди.

Бир куни хизмат бошлиғи марказдан рус тилини яхши биладиган қизлардан жўнатишларини сўраб ёзилган талабномани кўрсатиб.

– Қизим, хоҳласанг сени номзодингни юбораман, – дейди.

Ўғил болаларга хос хислатда ўсган Комила ўйлаб ҳам ўтирмай:

– Майли бораман, – дейди.

Уйга келиб онасига бошлиқнинг таклифига кўнганини айтади.

Буни эшитган онаси:

– Эсинг жойидами, тоғаларинг, амакиларинг урушда, қиз бола бошинг билан сен ҳам қирғинбаротга борасанми? Ҳеч қаёққа юбормайман, – дейди.

– Қизим, биз билан маслаҳатлашмай рози бўлавердингми? – деди отасининг аччиғи чиқиб.

Комиланинг бир сўзлигини улар яхши билишарди, лекин эндигина ўн тўққизга тўлган қизини уруш томонларга жўнатиш осон эмасди. Хавфсизлик хизматининг тартиб-қоидаларини яхши билгани учун отаси:

– Онаси, бўлар иш бўпти, тайёргарлигинигни кўр, эртага поездга чиқиб кетиши керак, – деди.

Комила тўплар гумбирлаётган, автоматлар сайраб турган жангоҳларга бормади, лекин унинг хизмати ҳар қандай аскардан кам эмасди. Кечаси билан ҳужжатлар, ёзув-чизувдан бўшамас, кундузи госпиталларга, идораларга, фронтга яқин жойларга борарди. Сир эмас, аввалига душман қўли баланд келаётганини кўрган айрим аскарлар таҳликага тушиб қолганди. Комила хизмат йўналиши бўйича ана шундай аскарлар билан ишларди.

Қиши илиқ, ёзи иссиқ бўладиган водийдан борган қиз Россиянинг қаҳратон совуқларига ўрганолмади. 1943 йилнинг аёзли кунларида қор кечавериб, оёғини совуқ олди. Аввалига билинмади, бир куни йўлда кетаётиб, бир оёғи умуман қимирламай қолди.

– Госпиталга олиб келишганда ташқарида роса қор бўралаётган эди, – дея хотирлайди Комила ая. – Кимнидир оёғи, яна бировнинг қўли йўқ. Бошини боғлаб олганлар қанча. Уларни кўриб, менинг касалим ҳеч нарса эмас, дея ўзимни юпатардим. Озгина соғайганимдан кейин, мени алоҳида палатага олишди. Бекорга эмас экан, ёзув-чизув ишларини беришди. Госпиталда ҳам бекор ётмадим. Айрим рус тилини яхши билмайдиган юртдошларимиз учун таржимон ҳам бўлдим.

Андижондаги хизмат бошлиғи мени касаллигимни эшитиб хат ёзди. Кейин орадан бир ойлар ўтиб мени яна Андижонга чақириб олишди. Ишимни давом эттирдим.

Уруш тугагандан кейин Комила опа уч-тўрт йил хавфсизлик хизматида ишлаб юрди. Ички ишлар хизматига ҳам тажрибали кадрлар жуда зарур эди. Хизмат кийимидаги ходим, аскар каби ҳамма буйруққа сўзсиз итоат этиши керак, шу қатори аёллар ҳам. Комила опа вилоят ички ишлар бошқармасига ишга ўтганида, ҳужжат юритишда айрим камчиликларни тўғрилагунича роса тер тўкишига тўғри келди.

– Турмуш ўртоғим Мухтор Султоновни шу ерда учратдим. Аввалига эътибор бермабман, тез-тез олдимга келар, иложи борича гапга соларди. Ўртага одам қўйиб, дадамнинг розилигини сўратибди. Дадам яхши йигит экан, қизим рози бўлса, тўй-да дебдилар, – деди кулиб ая.

Комила опа турмуш ўртоғи билан баравар хизматда бўлар, яна рўзғор ишлари, фарзанд тарбияси. У ҳаммасига улгурарди. Аёлнинг сариштаси оила фариштаси деймиз. Мухтор акани гоҳ у туманга, гоҳ бу туманга ишга юборишарди. Тошкентга келишганда уйга жойлашиб, икки кун ўтмаёқ уни ҳам ишга чақиришади. Чунки пойтахтдагилар унинг тажрибали ходим эканини яхши билишарди. Орадан икки йиллар ўтиб яна Андижонга кетишди. Мухтор ака Вазир ўринбосари бўлганида эса яна Тошкентга кўчишди.

Дарвоқе, ая ўзининг беҳаловат хизмат йилларида уч фарзандни тарбиялаб вояга етказди. Манзура нефт-газ саноати соҳасида хизмат қилди. Катта қизи Лола чет тиллар бўйича мутахассис. Кенжа қизи Мавлуда эса ота-онаси изидан борди. Кўп йиллар Андижон вилояти ИИБда турли лавозимларда хизмат қилди. Ҳозир нафақада, истеъфодаги майор.

Комила аянинг ҳаёти ва фаолиятини икки қиррага бўлиш мумкин. Бири ички ишларда хизмат қилаётган хотин-қизларга намуна бўлса, иккинчиси ички ишлар ходимининг турмуш ўртоқларига ўрнак бўлади. Ҳар икковини ўзида мужассам этиб, кўпларга ўрнак бўлиш эса камдан-кам аёлларга насиб этади. Аянинг эл-юрт, хизматдошлари, сафдошлари, оиласида катта ҳурмат-эътиборга, эъзозга лойиқ бўлаётгани ҳам ана шунда.

**Садриддин ШАМСИДДИНОВ.**

# БУ КУНЛАРГА ЕТГАНЛАР БОР, ЕТМАГАНЛАР БОР...

**Икромбек ота саксондан ошган бўлсалар ҳам, кўз тегмасин, ёшларига нисбатан тетик. Ҳали-ҳануз ҳовлиларидаги дов-дарахтларни ўзлари парвариш қиладилар, ёнларида юрган невараларига ҳам боғдорчиликнинг сир-асрорини тушунтирадилар.**

– Шунчалик юрганим, шу кунларга етганим учун Аллоҳга беадад шукроналар бўлсин, – дейдилар серажин юзларини силаб. – Ахир, қанчалаб одамлар уруш майдонларида нобуд бўлишди. Тирик қайтганларининг ҳам кўпчилиги оламдан ўтишди.

У киши Иккинчи жаҳон уруши даврида жангу жадаллар билан Берлингача борганлар. Алоқачи бўлганлар. Кейинроқ алоқачилар взводига командирлик қилганлар. Мерганлар биринчи галда рақибнинг офицерлари билан алоқачиларини нишонга олишади. Шунча жангоҳлардан эсон-омон, ҳатто жиддий яраланмай қайтганларининг сирини сўрасам, отахон хиёл ўйга толиб сўз бошладилар:

– Аввало, худо асраган. Қолаверса, кишининг ўзига ҳам боғлиқ. Бир куни бизнинг қисмимиз пастликда жойлашган эди. Окопдан чиқсак, душманга кафтдагидек кўриниб турардик. Бир аскар алоқа тармоғини тортмоқчи бўлди. Унга шошилинч бўлмагани учун қош қорайгунча сабр қил, десам ҳам ажал қистаган эканми кўнмади. Очиқ далада энди ўн қадамлар эмаклаб борувди ҳамки, мерган отган ўқдан ҳалок бўлди.

Икром отанинг ҳикояларини тинглаб туриб ўша оғир, суронли даврларга бориб қолгандай ҳис қиламан ўзимни. Минглаб чақиримларни пою пиёда босиб ўтиш. Қор кечиш, сув кечиш. Қишли-қировли кунларда очиқ далада, захо окопларда тунаш. Одамзотнинг жони темир экан-да. Ёшликда кўп қийинчилик билинмаслиги рост. Кейин доим ҳаракатда бўлганимиз ҳам фойда қилган. Ишонсангиз, шинелимиз ёмғир-қорда жиққа ҳўл бўларди. Сиқсак, шундоқ сув оқарди. Яна кийиб кетавердик. Тўрт йил ичида ақалли бирор марта шамолламабман.

Сержант Икромбек Отабеков 1946 йилда армиядан қайтиб, ҳисобга туриш учун ҳарбий комиссариатга борди.

– Ҳарбий мутахассисликка эга экансиз, командирлик тажрибангиз ҳам бор экан. Сизни республика ИИВ офицерлар тайёрлаш мактабига ўқишга юборамиз, – деди ҳарбий комиссариат бошлиғи.



У 1947 йилда ўқишни бошлаган бўлса, 1985 йилда Жазони ижро этиш муассасаси бошлиғи лавозимида, полковник унвонида нафақага чиқди. Ички ишлар идораларида пенитенциар тизимда салкам қирқ йил хизмат қилибди. Бу бир йигит умри дегани. Айтишга осон. Шу давр ичида қийинчиликлар ҳам, асабийлашишлар ҳам, муваффақиятлар ҳам бўлди. Аммо ҳеч қачон бурчига, бировнинг ҳақига хиёнат қилмади. Ҳеч кимнинг дилини ноҳақ оғритмади, бурнини қонатмади. Шунинг учун бўлса керак, ҳалигача на орқавотдан, на юзига биров уни ёмонлаб гапиргани йўқ.

Бир куни Андижон вилоятининг тоғли ҳудудида кетаётган эди. Кутилмаганда машинаси бузилиб қолди. Нима қиларини билмай турганида тепада қўй боқиб юрган чўпон тушиб келди. Салом-аликдан сўнг:

– Мени танимадингиз-а, бек ака? – деди.

– Танимадим, – очиғини тан олиб қўя қолди Икромбек ота.

– Фалон йиллари сиз бошлиқ бўлган зонада ўтирган эдим. Маслаҳатларингизни қулоққа олиб кам бўлмадим. Раҳмат, – деди. Сўнг қўярда-қўймай уйига олиб бориб, оёғи остига қўй сўйди. Агар унга бирор ёмонлиги ўтганда келиб саломлашармиди. Қасд оламан деса, кимсасиз жойда бир йўлини топиб зиён етказиши ҳам мумкин эди.

Яқинда республика ИИВ ЖИЭББга бошқа фахрийлар қатори отахонни бир байрам тадбирига таклиф қилишган эди. Уйга жуда ҳаяжонланиб қайтдилар. У кишини кўргани келган қизлари Мукаррам сабабини сўращдан ўзини тийиб туролмади.

– Бир шогирдим мени қаттиқ хурсанд қилди, – ҳамон ҳаяжонларини босолмай гапириб бердилар отахон. – Қарилик қурсин, оти хаёлимдан кўтарилди. Унвони подполковник. Хуллас, ўша шогирдим фарзандига менинг отимни қўйган экан. Ўғли бу йил юридик институтга кирибди. Устоз, дуо қилинг, шу набирангиз ҳам сизга ўхшаб обрў-эътиборли бўлиб юрсин деди. Шунда, ҳа, бекорга яшамабман, яхши ном қолдираётган эканман, деб кўнглим бўшашиб кетди.

Отахон "Биз кўрган қирғинбаротни, очарчиликларни ёшларимиз кўрмасин", – дейдилар. Илло, яхши, пок инсонларнинг нияти ижобат бўлгай.

**Бобомурод ТОШЕВ.**

**Суратда:** *Икромбек Отабеков фарзандлари ва невараси билан.*

**Абу КЕНЖАЕВ олган сурат.**

# ОЛТИАРИҚНИНГ БИРИНЧИ ГЕНЕРАЛИ

ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

**Иккинчи жаҳон урушининг тугаганига олтмиш йил бўляпти. Бу машъум урушда юртимиздан бир ярим миллионга яқин киши иштирок этди. Жангларда тўрт юз мингдан ортиқ ака ва оталаримиз, хотин-қизларимиз мардларча ҳалок бўлдилар.**

**Миллионлаб кишиларнинг ёстиғини қуритиб, кўплаб шаҳар ва қишлоқларни вайронага айлантирган уруш оловини ўчириб, ғалаба билан қайтган юртдошларимизнинг сафи камайиб боряпти. Душманга қарши даҳшатли жангларда иштирок этган, ҳозирда даврамизни тўлдириб юрган фахрийлар орасида ички ишлар идораларида кўп йиллар хизмат қилган ҳамкасбларимизнинг ҳам борлиги биз учун фахр. Истеъфодаги генерал-майор Тилла Абдуллаев ана шундай табаррук инсонлардан бири десак асло янглишмаймиз.**



... Олтиариқлик этикдўз Абдулла аканинг тўнғич ўғли бир кун келиб генерал бўлади, деб ким ўйлабди дейсиз. Саккиз йиллик мактабни тугатгандан кейин Тилла ака Қўқондаги нефть техникумига ўқишга киради.

Иккинчи жаҳон уруши бошланганида у киши 19 ёшли бўз йигит бўлган. Аввалига урушга отаси кетади. Кўп ўтмай онаси унга ҳам оқ фотиҳа тилаб, фронтга кузатади. Бир гуруҳ йигитлар қаторида Тилла акани Тошкентдаги милиция ўрта мактабида олти ойлик курсда махсус хизматга тайёрлашади.

Тилла ака уруш ўчоғига Сталинград остонасида киради. Бу шаҳар атрофида бўлиб ўтган жанглар ҳақида кўп эшитганмиз. Тарих саҳифаларига Сталинград жанги номи билан муҳрланган воқеаларнинг тирик гувоҳи Тилла ака гоҳида ғурур билан гитлерчиларнинг армия қўмондони фельдмаршал Паульсни бош эгиб жанг майдонидан чиқиб кетаётганини кўрганман, деб қўяди.

Ўзини енгилмас деб атаган душман армиясини тормор қилиб, қўлидаги қуролини ташлаб, шармандаларча бораётган гитлерчиларни мағрур кузатиб турган минглаб аскарлар қаторида ўзбек йигитлари ҳам кўп.

Тилла ака Абдуллаев контрразведка бўлимида хизмат қилган. Тарихдан маълумки, суронли уруш йилларида душман томонга сотилган кишилар ҳам бўлган. Бизнинг Тилла ака айнан ўшаларни аниқлаш, шунингдек, душман армиясининг куч-қувватини билиш учун маълумотлар тўплаш билан шуғулланган.

Иккинчи жаҳон уруши ҳақида ҳикоя қиладиган кинoларни кўрганимизда аскарларнинг душман томондан "тил" олиб келиши воқеасини қизиқиб томоша қиламиз. Тилла ака Абдуллаев урушда айнан "тил" топиб келадиган бўлимга сардорлик қилган.

– Бир куни полк сардори чақириб, душман томонга ўтиш ва зарур маълумотлар олиб келишни буюрди, – дея ҳикоя қилиб берганди Тилла ака. – Чунки икки кундан бери жангга киришга ҳозирлик кўрилаётганди, лекин уларнинг кучини билиш лозим эди. Украинанинг вайронага айланган қишлоқларидан биридамиз. Тунда уч киши бўлиб йўлга чиқдик. Ёмғир ёғарди. Эски бир черковга бордик. У ерда уч-тўрт кексадан бўлак ҳеч ким йўқ. Бизни кўриб, улар душман аскарлари шу яқинда юрганини айтишди. Улардан бири балки ҳозир тунаш учун келиши ҳам мумкин, деди. Уччовимиз яшириндик. Ҳақиқатдан ҳам тўрт нафар гитлерчи кириб келди. Хира ёниб турган шамда турқи янаям хунук кўринаркан. Уларни кузатиб турдик, ҳўл бўлган кийимларини ечиб, энди ўтирганда ўқ отмай қўлга олиш учун уларга ташландик. Чунки ўқ овози эшитилса, яқин орада юрган душман аскарлари етиб келиши мумкин. Бирини мен пичоқладим, иккинчисини шеригим бўғиб қўя қолди. Қолган икки нафарини асир қилиб олиб кетдик. Қоронғуда кўрмаган эканман, уларнинг бири офицер экан. Полк сардори жуда қувониб кетиб, мени мукофотга тақдим этди.

Уруш ҳақида ҳикоя қилиш ҳам қизиқарли, ҳам инсон қалбининг аллақаерини тирнаб, қайғуга солади. Чеки кўринмайдиган фронтларда қор, ёмғир остида, куннинг тиғида окопларда ётиб, душман ўқига чап бериб, ўлимга тик боқиб, бостириб боришнинг ўзи бўлмайди. Буни бошидан ўтказганлар эслашганда бекорга чуқур хўрсиниб қўйишмайди.

Тилла ака урушнинг энг қизғин жойларида бўлган. Украина, Белоруссиянинг йирик шаҳарларини гитлерчилардан озод қилишда иштирок этган, Днепр дарёсини кечиб ўтган. Унинг ҳикоя қилишича, Европанинг катта дарёларидан бири – Днепрни кечиб ўтиш осон бўлмаган. Гитлерчилар тиш-тирноғигача қуролланиб, аскарларимизнинг ўтишига жуда қаттиқ қаршилик кўрсатган. Тилла аканинг дарёдан сув эмас, қон оққанди деганида муболаға йўқ. Кўплаб аскарлар ана шу жойда, жангда ҳалок бўлишган. Уруш тарихида бу айниқса алоҳида воқеа сифатида тилга олинади. Тилла ака тўрт аскарни ёнига олиб, тунда дарёни сузиб ўтади. Ярим вайрона қишлоқнинг шундоққина дарё қирғоғида-



ги уйида гитлерчилар бўлади. Тилла аканинг омади келиб, бу ердан ҳарбий техника бўйича мутахассисни тириклайин ушлаб келишади.

Уруш тарихида қирғинбарот жанглар кўп бўлган. Айниқса, муҳим стратегик аҳамиятга молик шаҳарлар учун аёвсиз жанг олиб борилган. Тилла ака Абдуллаев ана шундай жангларда иштирок этган. Разведкачи сифатида хизмат қилаётганда унинг оёғини ўқ ялаб ўтади. Госпиталда ётганида унинг полки анча узоқлашиб кетади ва уни бошқа полкка юборишмоқчи бўлади. Лекин Тилла ака деярли икки йил бирга бўлган қуролдошларидан ажралишни истамай, дивизия сардорига ўз полкига қайтаришни сўраб илтимоснома ёзади. Дивизия сардорининг буйруғига асосан у қадрдон полкига қайтиб, қуролдошлари билан бирга жангни давом эттиради.

Тилла ака ғалаба кунини Прага шаҳрида кутиб олади. Қайтишаётганда отасидан хат олади. Ота ва ўғил бирга фронтга отланганлар кўп бўлган. Жанггоҳларда топишганлар ҳақида ҳам эшитганмиз. Тилла ака эса отасини Берлин остонасида учратади. Бундан ортиқ бахт бўлмаса керак. Фронтда юрганларида икковининг хаёлидан кўришармиканмиз деган илинж тез-тез ўтган, албатта. Отаси Абдулла ака тушган эшелон Ўзбекистонга эмас, Узоқ Шарққа – японлар билан урушга жўнатилади.

Тилла ака урушдан кейин яна бир йил қолиб кетади. Ғарбий Украинада рўй берган тартибсизликлар туфайли хавфсизлик хизматига бўйсунувчи бўлинмалар аскарларини сақлаб туриш лозим эди. 1946 йилда юртига қайтади. Уни офицер сифатида ички ишлар хизматига юборишади.

Тилла ака Абдуллаевнинг уруш йилларидаги ҳаётини катта достон қилиш мумкин. Ички ишлар идораларидаги фаолияти ҳам катта китоб бўлади. Дастлаб, у Фарғона шаҳар ички ишлар бўлимида ишлайди, раҳбар этиб тайинланади. Унинг сергайратлилиги, хизмат вазифасига жон-дили билан киришиши, энг муҳими, зиммасидаги масъулиятни чуқур ҳис этиши, раҳбарлик ишларини яхши олиб бориши туфайли республика ИИВ раҳбариятининг эътиборини қозонади. У Сурхондарё вилояти ички ишлар бошқармасига бошлиқ этиб тайинланганида 32 ёшли йигит эди. Мамлакатнинг чекка вилоятида ишлаш осонмасди. Уруш асоратлари ҳали тўла тугамаган, шарт-шароит оғир дамларда осойишталикни сақлашнинг ўзига хос қийинчиликлари бўлган. Гарчи мен ўзим водийда ишлаган бўлсам-да, бошқа вилоятлардаги аҳволдан хабардор бўлиб турардим. Сурхондарё вилоятида орттирган тажрибаларимни Самарқанд вилоятида ҳам қўллашга тўғри келади. Уни йирик, айни пайтда юки оғир ҳисобланган Самарқанд вилояти ички ишлар бошқармасига раҳбар этиб тайинлаганларида, айримлар ишни эплолмайди, икки-уч йилда тавбасига таянади, деганди.

Тилла ака бу вилоятни мамлакатнинг жиноятчилик камайган, осойишталик барқарор ҳудудга айлантиради. Бунинг ўзи бўлмаган. Тинмай ишлаш, изланиш, ходимларга тўғри кўрсатма бериш, санайверса, қилинадиган ишлар сероб, энг муҳими уддалаш лозим. Тилла ака уддалади. Шунинг учун ҳам унга генерал-майор унвони берилди. Олтиариқда биринчи бўлиб ана шу юқори даражали унвонга сазовор бўлди.

Тилла ака Абдуллаевни бугун ҳаммамиз Республика Ички ишлар вазирлиги Фахрийлар кенгашининг фаолларидан бири сифатида танимиз. Иккинчи жаҳон урушини бошидан кечирган бу табаррук инсоннинг ҳаёт йўли кўпчиликка, айниқса, ички ишлар ходимларига мактабдир. Бу йил ўзининг саксон уч ёшини қаршилайдиган фидойи инсонни ҳар қанча қадрласак кам.

**Ғофуржон РАҲИМОВ,**
*истеъфодаги генерал-майор.*



Ҳуқуқий саводхонлик – давр талаби

# ИЧКИ ИШЛАР ИДОРАЛАРИ ФАОЛИЯТИДА «ФУҚАРОЛИК ҲУҚУҚИ» ФАНИНИНГ ТУТГАН ЎРНИ

Мамлакатимизда бозор муносабатларини чуқурлаштиришда ва хусусий ҳуқуқни шакллантиришда Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси муҳим ўрин тутади. Зеро, айрим олимлар томонидан Фуқаролик кодекси "бозор кодекси" ёки "бозор конституцияси" ёхуд "тенглар ичида биринчи" деб аталиши бежиз эмас. Ҳақиқатдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодекси мамлакатимизда ҳуқуқ тизими ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида ўзининг аҳамиятлилиги бўйича ғоят муҳим бўлиб саналади. Бундан ташқари, бозор иқтисодиёти шароитида амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ўз навбатида ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида юзага келадиган мулкий муносабатларнинг фуқаролик-ҳуқуқий тартибга солиш доирасининг кенгайишига олиб келади. Бошқача айтганда, маъмурий-ҳуқуқий тартибда амалга ошириладиган моддий-техник ресурсларни марказлаштирилган ҳолда тақсимлаш тизими ўрнига, савдо-сотиқнинг фуқаролик ҳуқуқининг нормалари билан тартибга солинадиган биржа, улгуржи ва бошқа шакллари вужудга келди. Жамият эҳтиёжлари учун ишлаб чиқарилаётган товарлар ва маҳсулотларга нисбатан маъмурий тартибда белгиланган баҳолар фуқаролик-ҳуқуқий шаклларда амалга ошириладиган муайян шартномавий баҳолар билан алмаштирилди. Илгари маъмурий тартибда тақсимланадиган турар жойлар фуқароларнинг хусусий мол-мулкига айлантирилди. Фуқароларнинг ушбу биноларга бўлган ҳуқуқлари эндиликда фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар доирасида амалга ошириладиган бўлди. Шу боисдан фуқаролик ҳуқуқи – том маънода "бозор" деб аталадиган, ўзини-ўзи бошқарадиган иқтисодий механизмнинг зарурий элементига айланиб бормоқда.

Хўш, ички ишлар идоралари фаолиятидаги қандай ижтимоий муносабатлар фуқаролик ҳуқуқи нормалари билан тартибга солинади?

**Биринчидан,** ИИВ тизимидаги кўпгина тузилмалар (масалан, ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" Бирлашмаси, Жазони ижро этиш муассасалари ва ҳоказо) фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган "юридик шахс" мақомига эга. ИИВ тизимидаги мазкур тузилмаларнинг юридик шахс сифатидаги ҳуқуқий мақомини ҳар бир ходим ўрганиши ва билиши зарур. Зеро, фуқаровий-ҳуқуқий шартномалар тузиш ва бунинг натижасида келиб чиқадиган ҳуқуқий муносабатлар ИИВ тизимидаги тузилмаларнинг юридик шахс сифатида қандай мақомга эга эканликлари билан боғлиқ. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси ИИВ ҳузуридаги "Қўриқлаш" бирлашмасининг (шунингдек, бу қаторга ЖИЭББ тизимидаги манзил-колониялари ҳам киради) фаолияти давлат тижоратчи ташкилотларига хос бўлган белгилар билан уйғунлашганлиги боис, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 70-моддаси талабларидан келиб чиққан ҳолда, уларни фуқаролик ҳуқуқининг субъекти бўлган тижоратчи юридик шахс – унитар корхоналар жумласига киритиш мақсадга мувофиқдир. Аммо бугунги кунда кўпгина давлат тузилмалари ҳуқуқий мақомини белгилаб берувчи меъёрий ҳужжатларда фақатгина "юридик шахс" мақомига эгалиги белгиланганлиги билан чекланиб қолган. Бу ўринда мазкур меъёрий ҳужжатларда уларнинг "юридик шахс" ҳуқуқий мақомини аниқлаштириш, хусусан Ўзбекистон Республикасининг фуқаролик қонунчилигида белгиланганидек, тижоратчи ёки нотижоратчи юридик шахслар турига кириши (шунингдек, нотижоратчи юридик шахслар жумласига кирса, уларнинг қайси турига кириши)ни акс эттириш лозим. Бир сўз билан айтганда, ИИВ тизимидаги "юридик шахс" мақомига эга бўлган тузилмаларнинг фуқаролик-ҳуқуқий муносабатларидаги иштирокини тартибга солиб турувчи фуқаролик қонунчилигининг нормаларини билиш ҳар бир ходим олдида турган вазифалардан бири ҳисобланади.

**Иккинчидан,** бугунги кунда профилактика, жиноят-қидирув хизмати ходимлари фаолиятида учрайдиган муаммоли ҳолатдан бири – бу тегишли ҳудуддаги фуқаролар ўртасидаги қарз шартномаси юзасидан келиб чиқадиган низолар ҳисобланади. Баъзан ижтимоий ҳаётда фуқаролар томонидан қарз шартномасини ҳуқуқий тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормаларни билмаслик нафақат берган қарзини ўз вақтида ололмаслик ёки умуман ололмаслик ҳолатлари, балки фирибгарлик жиноятларини келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Бу ўринда қарз шартномаси қарз суммаси энг кам иш ҳақининг ўн бараваридан ортиқ бўлса ёки шартномани тузаётган тарафлардан бири юридик шахс бўлса (қарз суммасидан қатъи назар), ёзма шаклда тузилиши лозимлигини эслатиб ўтамиз. Кундалик ҳаётда кўп учрайдиган қарз олганликни тасдиқлаш тариқасида берилган тилхат ёзма шаклда тузилган қарз шартномаси жумласига киради. Алоҳида таъкидлаш жоизки, гувоҳлар ёзма шаклда тузилиши лозим, лекин тузилмаган қарз шартномалари содир бўлганлигини тўғрисидаги кўрсатмалари далил бўла олмайди.

Бундан ташқари, кейинги вақтларда амалиётда фуқаролар ўртасида чет эл валютасида, хусусан, АҚШ долларида қарз олиш ва қарз бериш ҳоллари ҳам учрамоқда. Бу ҳолат ҳам қарз муносабати ҳисобланади. Аммо чет эл валютасида берилган қарз унинг миллий валюта – ўзбек сўмига нисбатан давлат курси қийматида ундирилади. Ушбу ҳолатларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий меъёрлар профилактика, жиноят-қидирув хизмати ходимлари томонидан кенг жамоатчиликнинг ҳуқуқий онгини ўстириш учун маслаҳат беришларида кўл келишлари мумкин.

**Учинчидан,** кўпчиликка маълумки, бозор иқтисодиёти шароитида фуқаролик-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий актлар асосида эмас, балки шартномалар асосида юзага келади. Зеро, ҳозирда ИИВ тизимида ҳам кўпгина шартномалар, жумладан, пудрат, маҳсулот етказиб бериш, товарлар етказиб бериш тўғрисидаги давлат контракти каби шартномаларни тузиш тартиби билан боғлиқ фуқаролик қонунчилиги нормаларини билиш зарурдир. Бугунги кунда шартномалар тузиш ҳолатлари айниқса, ИИВ Моддий-техника ва ҳарбий таъминот бошқармаси фаолиятида учрамоқда. Жумладан, халқаро терроризм, экстремизм каби жамиятга хавф солувчи иллатларга қарши кураш борасида асосий вазифалардан бирини бажарувчи ички ишлар органларининг моддий-техник базасини модернизация қилиш ва мустаҳкамлаш масалалари улар фаолиятида тузиладиган фуқаролик-ҳуқуқий шартномалар, хусусан давлат контрактларини тузиш, унга амал қилиш маданиятини юқори поғонага кўтаришни тақозо этади.

**Тўртинчидан,** ички ишлар идораларининг ходими эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишни ёки муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат олишни қонунга хилоф тарзда қўллаш натижасида фуқарога етказилган (моддий ва маънавий) зарарни қоплаш билан боғлиқ муносабатлар ҳам фуқаролик ҳуқуқининг нормаларига кўра тартибга солинади.

Қисқача қилиб айтганда, фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган ижтимоий муносабатлар (дейлик, олди-сотди, ижара, ишончнома, даъво муддати, ҳадя, мерос ҳуқуқи ва ҳоказо) ички ишлар идоралари ходимлари фаолиятида кўплаб учрайди. Уларни тартибга солиб турувчи ҳуқуқий нормаларни билиш ҳар бир ходимнинг ҳуқуқий маданиятини ўстиришга хизмат қилади.

Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, ҳозирги кунда айрим ҳуқуқшунос олимлар томонидан фуқаролик қонун ҳужжатларини унификация қилиш мақсадида ва хорижий давлатлар тажрибасини инобатга олган Тадбиркорлик кодекси, Суғурта кодекси, Инвестиция кодекси каби қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш илмий асосланган ҳолда таклиф этилмоқда. Бу таклифлар маъмурий-буйруқбозлик тизимига асосланган режали иқтисодиётдан воз кечилган бир пайтда, яъни бозор иқтисодиёти шароитида ўзининг ижобий самарасини бериши мумкин. Аммо мазкур жараён республикамизда жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги товар-пул муносабатларни ҳуқуқий тартибга солишнинг узилишига олиб келмаслиги лозим. Бошқача айтганда, Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримов таъкидлаганидек, "қонунлар ҳаётий, амалиёт билан узвий боғлиқ бўлиши ва ундан келиб чиқмоғи даркор. Шу билан бирга бевосита таъсир кўрсатиш кучига эга бўлиши керак".

Алоҳида таъкидлаб ўтиш жоизки, бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академиясида профессор-ўқитувчилар томонидан Фуқаролик кодекси билан бир қаторда, Жиноят, Жиноят-процессуал, Маъмурий жавобгарлик, Оила, Меҳнат, Солиқ, Жиноий-ижроия кодекслари ва бошқа тегишли қонунлар талабларини, шунингдек, фан ва амалиётнинг илғор ютуқлари тингловчи-курсантларга ўргатиляпти. Шу билан бирга уларни амалиётда қўллаш кўникмаларини ҳосил қилишда бугунги куннинг долзарб масалалари, айниқса, ички ишлар идоралари билан боғлиқ муаммолар устида илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бундан ташқари, назария ва амалиёт ўртасидаги уйғунликни таъминлаш мақсадида Академиянинг "Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашишдаги долзарб масалалар" лойиҳаси томонидан бир қатор хайрли ишлар ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, бугунги куннинг долзарб масалаларидан келиб чиққан ҳолда, амалиёт ходимлари билан ҳамкорликда турли конференциялар, давра суҳбатлари ўтказилиб, натижада тегишли амалиёт ходимлари учун услубий қўлланмалар яратилмоқда, парламентга қонун ҳужжатларига ўзгартириш киритиш лозимлиги борасида таклифлар берилмоқда.

**Нуриддин НОРМАТОВ,**
*юридик фанлари номзоди.*
**Баҳодир УЛУҒБЕКОВ,**
*тадқиқотчи.*

Турмуш чорраҳаларида

# ТАҚДИР СИЙЛАМАГАН ОИЛА



**(воқеий ҳикоя)**

*(Охири. Боши ўтган сонда).*

Орадан икки кун ўтиб хизматдан қайтар эканман, яна ўша воқеанинг гувоҳи бўлдим. Аввалгисидан фарқли ўлароқ, Шуҳрат уйларининг деразасини тақ-қиллатиб "опа, нон беринг, қорним очди, опа нон", деганча илтимос қилар, Азизжон эса қадрдон қайрағочининг остида ухлаб ётарди.

Шу оқшом фарзандларини кўчада қаровсиз қолдириб, ўзи бегона эркак билан дон олишаётган Тўлғанойни ички ишлар идоралари ходимлари холислар иштирокида тутиб, баённома тузишди. Тўпланган материаллар судга топширилди. Суд томонидан маъмурий тартибда жаримага тортилган Тўлғаной пушаймон бўлиш ўрнига яна аламини болаларидан олади.

– Сизлар туфайли шарманда бўлдим. Пешанамга фоҳиша деган тамға босилди. Энди ўзларингдан кўринглар.

У аччиқ устида Шуҳрат билан Азизжонни тарбиялаш учун иқтисоди тўғри келмаётганлигини рўкач қилиб, керакли ҳужжатлар тўплаб, ота меҳрига зор бўлиб яшаётган болаларини, она меҳридан ҳам жудо қилиб, меҳрибонлик уйига топшириб юборди. Ўзи бўлса бизнинг маҳалладаги яшаб турган уйини сотиб, кўчиб кетди. Шундан кейин Тўлғанойни қайтиб кўрмадим.

Йиллар ўтди. Бу орада мен нафақага чиқиб, кўриб турганингиздек, шу маҳалла фуқаролар йиғинига раис бўлдим. Бир куни эрталаб ишга келсам, қабулхонада дид билан кийинган, эндигина чиққан сабза мўйлови ўзига ярашган, хушсурат бир йигит мени кўриши билан ўрнидан туриб тавозе билан салом берди.

– Ассалому алайкум, амаки.

– Ваалайкум ассалом, ўғлим. Келинг, менда ишингиз бормиди?

– Ўзим, шунчаки келган эдим. Мен... мен қўшнингиз Тўлғанойнинг ўғли Азизжон бўламан, – у шундай дедида, уялиб ерга қаради.

Шу пайт қайрағоч остида тупроққа қоришиб ётган тўрт яшар Азизжон кўз ўнгимда намоён бўлди. Худди ўз фарзандини йўқотиб, кейин қайтадан уни топиб олган отадек қувончим ичимга сиғмай Азизжонни бағримга босдим.

– Ўғлим, бормисан? Шуҳратжон омонми? Қани, ичкарига кирайлик, ўтириб бир дилдан суҳбатлашамиз.

– Раҳмат, амаки, сизни бир кўриб ўтай, дегандим. Уйларингизга боришга тортиндим. Бу ерда ишлаётганингизни эшитиб, тўғри ишхонангизга келавердим.

– Жуда яхши қилибсан, лекин уйимизга бормаганинг чакки бўлибди. Кўнглинг тортганда бемалол келавер, менинг эшигим сизлар учун очиқ, ўғлим. Қани энди ўзинг, аканг Шуҳрат ҳақида гапириб бер. Қаердасизлар, ишлаяпсизларми, ўқияпсизларми?

Гапни нимадан бошлашни билмади, шекилли, Азизжон бир неча сония жим қолди. Кейин бошини кўтариб, кўзларини бир нуқтага қадаб гап бошлади.

– Ҳаётда яхши одамлар кўп экан, амаки. Онам меҳрибонлик уйига топширгандан кейин уч йил ўтиб Қодир ака ҳамда Нозима исмли аёл бизни фарзандликка олди, (фарзандликка олишларидан олдин онамни топибдилар, онам бўлса пул берсаларинг рози бўламан, деб шарт қўйиб, кўнглидаги пулни олгандан кейингина розилиги тўғрисида хат ёзиб берибди.) Улар бир-бирини яхши кўриб турмуш қуришган экан. Аммо фарзандли бўлмабдилар. Шу сабабми, билмадим, бизни еру кўкка ишонмай оқ ювиб, оқ тараб катта қилдилар. Ўз ота-онамиздан кўра кўпроқ меҳр бердилар. Мен ҳам, Шуҳрат акам ҳам уларни ўз ота-онамиздек қабул қилиб, ҳаёт зарбидан яра бўлган мурғак қалбимизга малҳам топдик. Бизни ўқитдилар, уйли-жойли қилдилар, бироқ роҳатимизни кўриш уларга насиб қилмади. Аввалига Нозима онам бу дунёдан кўз юмди, кейин эса онамнинг ўлганига куйиб, отам ҳам вафот этдилар.

Азизжоннинг кўнгли тўлиб, ўзини тўхтата олмай, йиғлаб юборди. Мен "майли, йиғлаб олсин енгил тортади", деган хаёлда индамай ўрнимдан турдим-да, хона деразасини очиб, яна жойимга ўтирдим. Рўмолчаси билан кўз ёшини артган Азизжон яна сўзида давом этди.

– Эл қатори маъракаларини ўтказдик. Жойлари жаннатдан бўлган бўлсин. Отам ҳам, онам ҳам яхши одам эдилар. Шулар сабаб Шуҳрат акам ҳозир катта бир идорада бошлиқ ўринбосари, ўзим эса яқинда олий маълумотли шифокор дипломи эгаси бўламан.

Қисқача таржимаи ҳолим шу дегандай Азизжон бошини кўтариб менга қаради.

– Сени саволга тутиб, қийнаб қўйганим учун узр, ўғлим. Қани, тур, уйга борамиз, бугун бизникида меҳмон бўлиб кетасан.

– Раҳмат, амаки, уйингизга бошқа сафар албатта бораман, аммо бугун бир инсоннинг, тўғрироғи, онам Тўлғанойнинг илтимоси туфайли сизнинг олдингизга келган эдим.

– Қандай илтимос экан? Бемалол, тортинмасдан айтавер.

– Яқинда уйимизга бир одам келиб, вилоят касалхонасининг жонлантириш бўлимида катта шифокор бўлиб ишлашини, Тўлғаной исмли аёл ўлими олдидан бизларни топиб, мана бу хатни бериб қўйишини сўраганини айтди. (Азизжон ён чўнтагидан тўрт буклаган хатни олиб, менга узатди). "Хатни онангизнинг илтимосига кўра мен ёзганман. Онангизни кечаси маст ҳолда келаётганида номаълум ҳайдовчи ўз машинасида уриб кетган. У кўп қон йўқотиш натижасида ушбу хатдаги сўзларни айтиб бўлгандан кейин жон берди. Шу кунларда сизларни тополмаганимиз учун уни расм-русумини қилиб, шаҳарнинг асосий қабристонига ўзимиз дафн қилдик, хоҳласаларингиз қабрини кўрсатаман", – деди у.

Шифокор ҳамроҳлигида Шуҳрат акам, янгам Лобар, ўғиллари Ҳурматжон билан бирга бориб, онамнинг қабрини зиёрат қилдик. Кейин эса онажонимнинг бизга ёзиб қолдирган хатидаги биринчи илтимосини адо этиб, мана бугун қолганини ҳам бажариш мақсадида сизнинг олдингизга келиб турибман. Шуҳрат акам келолмагани учун узрини айтиб қўйишимни сўрадилар. Хатни ўқиб кўринг, хулосани эса ўзингизнинг ихтиёрингизга ҳавола қиламиз.

Азизжон берган хатни очиб ўқир эканман, аъзойи баданимни ҳаяжон қамраб, Яратганнинг ҳар қандай қинғир иш учун жазо беражаклигига яна бир бор амин бўлдим. Хатда шундай сўзлар битилган эди:

"Азиз болаларим, афсус ва армон билан ёздираётган ушбу номамни сизлар ўқиётганда мен бу дунёда бўлмайман. Биламан, сизларни фарзандим дейишга ҳаққим йўқ, Парвардигор мендек ношукр, нотавон онани кечирмаслигини ҳам биламан. Шуҳратжон, Азизжон, сизлар мени кечиринг, одамлар мени кечирсин...

Шуҳратжон ўғлим, отангиз бизни ташлаб, бошқа аёл билан турмуш қургандан кейин фарзанд кўрмаган. Лекин у аёлнинг икки ўғли бор эди. Улар вояга етиб, отангизни уйларига сиғдиришмай уриб, азоб бериб охир-оқибат уни қариялар уйига топширибди. Ҳозир отангиз ночор бир аҳволда. Сиздан ўтиниб сўрайман, отангизни кечириб, уйингизга олиб келинг. Манзилини шу хатни ёзаётган шифокорга қолдирдим.

Сизлардан яна бир илтимосим, Азизжон билан маҳалла идорасига борган қўшнимизни топиб, мени кечиришларини сўранг. Уйимизни сотиб кетаётган куним уни ҳам ҳақоратлагандим, ҳатто туҳмат қилиб идорасига ҳам борган эдим, қўшни... мени... кечиринг..."

Сўнгги сўзларини айтиб улгурмай, армон билан ҳаётдан кўз юмган Тўлғанойнинг аччиқ қисмати тўғриси, қалбимни ларзага келтирди. Мен, қўшниларимиз ёинки фарзандлари Тўлғанойга ҳеч қачон ёмонликни раво кўрган эмасмиз ва сўзсиз кечирамиз. Бироқ...

**Оқсоқолнинг ҳикоясини**
**оққа кўчирувчи**
**Бекмурод УСМОНОВ.**

## НАВБАТЧИЛИК ҚИСМИ ХАБАРЛАРИ

### РАҲМАТ ЎРНИГА...

**Андижон вилояти Асака туманида яшовчи С. Маҳамматали рўзғорга ҳарна ёрдам бўлади, дея ўзининг "Тико" русумли автомашинасида киракашлик қиларди. Шундай кунларнинг бирида Андижон шаҳридан ўтирган икки йўловчи Асака туманига олиб бориб қўйишни илтимос қилишди. Манзилга тезроқ етиб олиш илинжида бўлган ҳайдовчи йўловчиларнинг ғаразли ниятларидан бехабар кетиб борарди. Машина F. Ёқубов номли ширкат хўжалигининг дала майдонига етганда, йўловчилар ҳайдовчини пичоқ билан қўрқитиб, "Sinao" автомагнитоласи, захира балони ва 3500 сўм пулини тортиб олишди. Ички ишлар ходимларининг зудлик билан кўрган чора-тадбирлари натижасида босқинчилар қўлга олинди. Улар ишламайдиганлар, шу ширкат хўжалигида яшовчи Й. Соҳиб ва унинг гумаштаси Олтинкўл туманилик А. Ҳавохон экан. Раҳмат ўрнига, дағдаға қилган зўравонлар энди қонун олдида жавоб беришади.**

### АЛАМЗАДАЛИК ОҚИБАТИ

Мастлик барча балоларнинг сабабчиси эканлиги кўп бора таъкидланаяпти. Баъзан маст кишининг кўзига ўз жигаргўшаси ҳам балодай кўриниб кетар экан. Наманган вилояти Уйчи туманида яшовчи, ишламайдиган З. Ғулом ичимлик билан "дардлашиб" турганида, тадбиркор акаси З. Исроил уни бу йўлдан қайтариш учун насиҳат қилди. Кайфи бузилганидан аламзада бўлган ука акасининг қорнига пичоқ тиқиб олди. Натижада ака касалхонага ётқизилди. Ўз туғишганига суиқасд қилиб, тиғ кўтарган З. Ғулом ушланди.

### ЭҲТИЁТ ШАРТ!

**Техника воситалари билан муомала қилинаётганда хавфсизлик қоидаларига риоя қилиш кўнгилсизликларнинг олдини олади. Айниқса, ишлаб чиқариш корхоналарида бунга янада масъулият билан қараш лозим. Озгина беэътиборлик қилинса, бахтсиз ҳодиса юз беради. Наманган вилояти Учқўрғон туманидаги ҳиссадорлик жамиятининг қоровули А. Улуғбек пахта тозалаш қурилмасини текшираётиб эҳтиётсизлик қилди. Оқибатда ускуна чап қўлининг елка қисмини тортиб кетди. Натижада у касалхонага олиб борилганида, жони узилди. Бир инсоннинг ҳаётига нуқта қўйилишига сабаб бўлган бахтсиз ҳодиса тафсилотлари тегишли мутасаддиларга аччиқ сабоқ бўлса, ажаб эмас.**

### НИЯТЛАРИ ПУЧГА ЧИҚДИ

"Эр-хотин қўш ҳўкиз" дейди доно халқимиз. Албатта, бу нақл ҳалол пул топиб, рўзғор тебратадиганларга нисбатан айтилади. Буни сурхондарёлик эр-хотин Ҳ. Баҳриддин ва Б. Орзигул нотўғри тушунганми биргаликда оғу сотиб, даромад орттиришмоқчи бўлишди. Ана шу мақсадда хонадонида Денов шаҳрилик Қ. Зулайҳога 123 г героинни 1700000 сўмга сотаётганларида тезкор тадбир ўтказаётган ҳуқуқ-тартибот ходимлари уларнинг ниятларини пучга чиқарди. Заҳри қотил орқасидан мўмайгина пул ишлаб олмоқчи бўлганлар энди қонун олдида жавоб беришади.

**2005 ЙИЛ — СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ**

# БАЛИҚ ЕСАНГИЗ – ДАРД КЎРМАЙСИЗ!



**Яқин-яқинларгача диетологлар ҳар қандай тўйинган ёғ зарарли деб ҳисоблашарди. Аммо бугун истисно ҳоллар ҳам бўлиши мумкинлиги ҳақида бемалол гапириш мумкин. Табобатнинг сўнгги йилларда эришган йирик ютуқларидан бири "омега-3" деб аталувчи табиий ёғ кислотаси бирикмаларининг атеросклероз ва бошқа кўплаб хасталикларга қарши курашда яхши самара беришини аниқлагани бўлди.**

## ЁҒДА ҲАМ ЁҒ БОР

Ёғлар инсон организми учун зарур. Улар танамиздаги озиқ-овқат "омборхонаси" вазифасини ўтайдики, бундай захиралар қийин пайтларда сарфланади. Бундан ташқари барча ҳужайраларнинг қобиқлари (мембраналари) ҳам ёғлардан таркиб топади. Мембраналар ҳужайра ва унинг аъзоларининг териси бўлиб, мунтазам янгиланиб туради. Агар уларнинг қайта тикланиши учун ёғ захираси етишмаса (масалан, узоқ пайт оч қолганда), ҳужайра ичидаги суюқлик ҳужайралар орасидаги бўшлиққа тўкилиб кетади. Киши оч қолганда шишишининг сабаби ана шунда. Уруш йиллари очарчиликни бошидан кечирганлар буни яхши билишади.

Ортиқча ёғ тўпланиши эса семиришга, қон таркибида холестерин миқдорининг меъёридан ошишига, атеросклерозга ва бошқа оғир оқибатларга олиб келади.

## БЕБАҲО, ШИФОБАХШ

Ҳар қандай ёғлар (қаттиқлари ҳам, суюқлари ҳам) ёғ кислоталаридан иборат бўлади. Турли ёғ кислоталари ўзаро икки асосий хусусиятига кўра фарқланади. Булар занжирдаги углерод атомларининг сони ва эгизак (қўш) кимёвий боғланишларнинг йўқлигидир. Эгизак алоқалари йўқ ёғ кислоталари тўйинган ҳисобланади. Қаттиқ мол ёғлари асосан ана шундай (пальмитин, маргарин, стеарин) кислоталаридан иборат. Қўш (эгизак) кимёвий алоқалари мавжуд ёғ кислоталар тўйинмаган ёғлар ҳисобланади. Бу гуруҳга асосан ўсимлик ёғлари киради.

Кўплаб ёғларни инсон организми овқатлардан олади ёки ўзи ҳосил қилади. Фақат уч хил – линол, линолен ва арахид ёғларини организм ўзи синтез қила олмайди. Уларни егуликлардангина олиш мумкин. Шунинг учун бундай ёғ кислоталари бебаҳо ҳисобланади.



Бу кислоталар етишмаса, ҳужайралар тез қарийди, суяк тўқималари емирилади, тери ва буйрак турли хасталикларга чалинади, болаларнинг ўсиши секинлашади. Арахид кислотаси эса бош мия, юрак ва асаб тизими ҳужайралари мембраналари учун материал бўлиб хизмат қилади. Шу сабабли айниқса, бу кислоталарнинг етишмаслиги организмга катта хавф туғдиради. Бундай нодир, бебаҳо кислоталарга соя, писта ёғлари ва ёнғоқ бой бўлади.

Биокимё фани "омега-3" тўйинмаган ёғ кислоталарига балиқ ёғи бой бўлишини исботлади. Айнан ушбу кислоталар арахид кислоталарининг энг яқин "қариндоши" экан. "Омега-3" атеросклерознинг, томирлар торайишининг олдини олади, қон айланишини яхшилайди.

## ТОМИР ТОЗАЛОВЧИ

Қон томирлари ички деворларида липид ёғлари тўпланса стенокардия, миокард инфаркти, инсульт каби оғир касалликларга олиб келади. Буларнинг бошида эса атеросклероз туради. Шунинг учун уни баъзи мутахассислар ўлим ҳолатларидан ярмининг сабабчиси деб ҳисоблашади.

Агар мунтазам равишда, етарли миқдорда "омега-3" истеъмол қилиб турсангиз, бу қон таркибидаги холестерин даражасини пасайтириб, қон томирлари деворларига тўпланган ёғларни эритиб юборади. Содда қилиб айтсак, атеросклерознинг олдини олиб, умрингизни узайтиради.

## БАЛИҚ ЁҒИ ВА КАЙФИЯТ

XX асрнинг сўнгги ўн йилликларида шифокорлар ривожланган мамлакатларда депрессияга чалинган, кайфияти тез бузиладиган, хавотир олишга мойил одамлар сони ошганлигини кузатдилар. Ҳозир бундайлар 20 миллион нафарга етган. Бундай ўсишнинг сабабини турлича изоҳлашади. Олимлар бир нарсага диққат қаратишади – мамлакатларда бундай хасталикларнинг ўсиши кузатилган даврлар балиқ ва балиқ ёғи кам истеъмол қилинган пайтларга тўғри келар экан: Хўш, бу тасодифми? Тадқиқотчиларнинг аниқлашича, егуликларда "омега-3" ёғ кислотаси етарли миқдорда бўлмаса, организмда турли сиқилиш, зўриқишларни осон енгишга ёрдам берувчи "лаззатланиш, қониқиш гормони" – серотонин камайиб кетаркан.

Тажриба ҳам буни тасдиқлади. Таркиби "омега-3" кислотасига бой бўлган балиқ ёғи истеъмол қилган беморлар қисқа фурсатда депрессия, сиқилиш, бесабаб хавотирланиш, кайфият бузилишидан халос бўлишди. Кўпроқ балиқ маҳсулотлари истеъмол қилувчи японлар ва эскимослар орасида бу хасталиклар бошқаларга қараганда ўн баробар кам учраркан.



## САЛОМАТ БЎЛАЙ ДЕСАНГИЗ....

Балиқ ёғи асосида ҳосил қилинган биологик фаол бирикмалар умрни узайтириш ва қатор хасталикларнинг олдини олишда яхши самара бериши аниқланган. Таркибига "омега-3" кирувчи ярим тўйинмаган ёғ кислоталари атеросклероз ва юрак-қон томир касалликларининг олдини олишдан ташқари, саратон хасталигига чалиниш хавфини камайтиради, гипертонияга чалинганларнинг қон босимини пасайтиради. Организмнинг қаршилик қобилиятини мустаҳкамлайди, паришонхотирликнинг олдини олади ва ҳоказо.

Ҳозирда балиқ ёғи асосида ҳосил қилинган тозаловчи дорилар мажуд. Уларни исталган ёшда қабул қилиш мумкин. Катталар суткасига бир неча грамм балиқ ёғи истеъмол қилсалар кифоя. Деярли ҳеч қандай асорати бўлмайди. Йилига 3-4 марта 1-2 ой мобайнида бу муолажани қўллаш мумкин.

Хорижда балиқ ёғи асосида тайёрланган биологик қўшилмаларни топа олмасангиз, одатдаги балиқ ёғи истеъмол қилсангиз ҳам бўлади. Ҳафтасига уч-тўрт марта балиқ маҳсулотлари истеъмол қилувчилар ҳам организмининг эҳтиёжи учун етарли миқдорда "омега-3" ёғ кислотаси жамғаради.

## "БАЛИҚ ЁҒИ" ДАЛАЛАРДА ЎСАЯПТИ

Юқорида айтганимиздек, "омега-3" ярим тўйинмаган ёғ кислотасининг асосий манбаи балиқдир. Аммо бу жониворни доим ҳам харид қилишнинг имкони бўлавермайди. Инглиз генетиклари: "Бу қимматбаҳо, шифобахш моддаларни далада етиштиришнинг иложи йўқмикан?" деб бош қотиришди. Улар тажриба сифатида "омега-3" синтез қилувчи генларни ошқовоқ ўсимлиги (палаги)-га ўтказишди. Тажриба ўтказилаётган ўсимлик ҳосил бергач, текшириб кўришса, бу ошқовоқ ўзининг "омега-3" ёғ кислотасига бойлиги жиҳатдан балиқ маҳсулотларидан ҳеч ҳам қолишмасди.

## ЎЗ БУҒИДА ПИШИРИНГ

Бизлар балиқни кўпроқ қовуриб еймиз. Ваҳоланки, духовкада димлаб пиширилгани фойдалироқ экан. Бу усул жуда оддий. Балиқни тозалайсиз, тузлайсиз, тиласиз, орасига кўкат (укроп, петрушка) соласиз, лимон шарбати сепасиз. Сўнг фольга қоғозига яхшилаб ўрайсиз, токи шарбати (суви) оқиб кетмасин. Кейин қизиб турган духовкага қўясиз. Таомингиз 20 дақиқада тайёр бўлади. Бундай усулда пиширилган балиқда барча фойдали моддалар, жумладан "омега-3" ёғ кислотаси кўпроқ сақланиб қолади.

Ⓝ

## Ҳар кимки жафо қилса...

**Жазо муддатини ўтаб, озодликка чиққан Рамзия панжара ортидан “яна кўришгунча!” дея қийқириб қолган дугоналари томонга қайрилиб қарамади, “бу жойларни энди елкамнинг чуқури кўрсин!” ҳам демади. Чунки унинг қарори қатъий... “Ураверсанг эти, сўкаверсанг бети қотади” деганларидек, икки марта “ўтириб” чиққан қирқ беш ёшли аёл бу томонларга яна бир марта келиб кетса осмон узилиб кетадими? Боши очиқ, эркин қуш бўлса. Гиёҳвандлик моддаси билан савдо қилишни шўри қуриган эридан ўрганган, тўғрироғи, “мерос” қилиб олганди. Эрининг ўзиям “тортар”, бошқаларни ҳам шу йўлга ундар эди. Охир-оқибат у шогирдларидан бирига насияга “дори” бермагани учун уни пичоқлаб, ўлдириб қўйди. Эрига “дори” қадоқлашда ёрдамлашиб, анча кўзи пишган аёл унинг еттиси ўтмаёқ гиёҳфурушликни бошлаб юборди. Чунки харидорларнинг ўзи эшигини тақиллатиб, ялиниб туришарди. Эрига улгуржи “дори” олиб келадиган одам унга яхшилаб йўл-йўриқ кўрсатди. Лекин ғўрлик қилдими, ҳуқуқ-тартибот ходимларининг қўлига тушди. Суриштиришганда улгуржифурушни сотмади, “эримдан қолган” деб йиғлаб тураверди. Лекин барибир қамалди. Иккинчи мартасида эса ўзининг лақмалиги боис қўлга тушди. Яна қамалди. Қамоқда юриб, фарзандлари Қудрат, Пўлат, Аминанинг қандай кун кўриб юргани хаёлига келгани йўқ. Фақат “дори” топиш, “савдо”ни бошлаш, эски харидорларни ўзига қандай жалб қилиш режаларини ишлаб чиқди. Мана, режаларни амалга оширадиган кун ҳам келди...**

# БАХТ ЎҒРИСИ



Кекса тут дарахти соясидаги ўриндиқда ўтирган аёллардан иккитаси туриб, Рамзия томонга кела бошлашди. Рамзия уларни кўриб, ўзини йўқотгандек жойида туриб қолди. Зум ўтмай ўзини холасининг бағрида кўрган аёлнинг кўзларидан беихтиёр ёш тирқиради. У холаси билан кўришиб бўлгач, унинг ёнидаги қадди-қомати келишган, кўзлари шаҳло гўзал қизга “бу ким?” дегандек тикилиб қолди.

– Ойижон!

Рамзия қучоғига отилган қизини танимаганидан ўксиб, яна йиғлаб юборди.

– Ўғилларинг ҳам бирибиридан келишган йигит бўлишган, – деди хола жиянига. – Бири амакисининг қўлида. Насиб қилса, бу йил институтни битириб, агроном бўлади. Каттанг эса чет элда ишлаб юрибди. Амина ҳамширалик қиляпти. Эртаиндин ўғил уйлаб, қиз узатасан. Энди бу ишларни йиғиштиргин. Сен тенггиларнинг камида уч-тўрттадан набираси бор...

Автобусда кетишар экан, холаси яна кўп гапларни гапириб, насиҳатлар қилди. Лекин унинг насиҳатлари Рамзиянинг қулоғига киргани йўқ. У гўё йўқотиб қўйишдан қўрққандек, ёнида ўтирган Аминанинг қўлидан маҳкам ушлаб олган, хаёллари ғужғон ўйнамоқда эди.

– Болам, агар соғлигинг кўтарса, бирор жойга кириб, ишла, – хола кетиш олдидан яна насиҳат қилди. – Ҳамма гап бекорчиликдан чиқади. Тўй қилишни ўйлагин...

– Э, хола-я, тўй қилишнинг ўзи бўладими? Сандиққа босиб қўйганим бўлмаса, – деди Рамзия. Ҳалол ишлаб, ҳалол топсанг, баракали бўлади, – дея унга таънали қаради холаси. – “Тўй қиламан” деб яна эски ҳунарингни бошлаб юбормагин.

Рамзиянинг энсаси қотиб, индамади.

Дили оғриган хола қуруққина хайрлашиб, жўнаб кетди...

Рамзиянинг режаси тобора пишиб, етиларди. Озодликка чиққанига ўн кун бўлгач, ғарибона кийиниб, қаёққадир бориб-келди. Орадан яна икки ҳафта ўтгач эса “кинначи хола”ни сўроқлаб, ҳар хил эркаклар, баъзан эса аёллар ҳам кела бошлашди. Келувчилар худди Аминанинг қачон ишга кетиб, қачон қайтишини аниқ билгандек, у ишда пайтда ташриф буюришар, холага бир неча дақиқа кинна солдириб, гўё дарддан фориғ бўлиб кетишарди.

Маҳаллада “Рамзия хола кинна солиб, касалларни даволаркан, ҳатто фол ҳам очаркан” деган гап тарқалди. Бу гапни эшитган қўни-қўшниларнинг айримлари “Худо “бераман” деса шунақа бўларкан-да”, деса, бошқалари “Рамзиянинг ўзи ким эди-ю солган киннаси, очган фоли нима бўларди”, дея энсалари қотди. Рамзия эса эгнида узун кўйлак, бошида рўмол, бинойидек “кинначи” бўлиб олган, хонадонига келувчилар ҳам кўпроқ бир хилдаги одамлар эди. Қизи “ойи, қўйинг шу ишингизни, одам уяляпти” деса, “Қизим худо “юқтирган” хислат бу. Бу ишни қилмасам, оёқ-қўлим қалтираб, касал бўлиб, ётиб қоламан. Ўзимнинг кунимни ўзим кўриб, ортганини тўйингга йиғяпман”, дея уни юпатарди. Амина уйда қолган кунлари судралиб, гандираклаб келувчи баъзи одамлар онасининг киннасидан кейин кўзлари ялтираб, шўх-шодон бўлиб уйларидан чиқиб кетаётганини кўриб, ҳайратланарди.

“Кинначи хола”нинг ови юришиб, унга мурожаат қиладиганлар анча кўпайиб қолишди. Табиий, “мижоз”ларнинг орасида унинг соҳибжамол қизига шайдо бўлиб, уни қўлга киритиш илинжида юрганлари ҳам бор эди. Рамзия қизига бу ҳақда бир неча марта гап очди. Қийин-қистовга олавергач эса кекса хола келиб, Рамзияга қизининг севгани борлигини, у эрта-индин ўқишни битириб, бирор ишнинг бошини тутса, кейин тўй бошлашини ётиғи билан тушунтирди.

– Э-ҳа, гап бу ёқда экан-да? – Рамзиянинг энсаси қотди. – Ким экан менинг қизимни олишга кучи етадиган бойвачча? Тагли-туглими? Афт-ангорини бир кўрай, танишайлик...

“Ўзинг кимсану куёв танлашингга ўлайми? Қилмишинг билан фарзандларинг шаънини ҳам бир пул қилиб қўйган бўлсанг. Янаям она экансан, бечора Амина ёнингга келиб яшаяпти. Ишқилиб, кинначи, фолбинлигинг билан ҳам бир балони бошламасанг гўрга эди”.

Хола бу гапларни овоз чиқариб айтмади. Совуққина хайрлашиб, қизга нималарнидир тайинлаб кетди. Орадан бир ҳафта ўтиб, қиз онасига кўнгил қўйиб, ўзига уйланмоқчи бўлиб юрган йигит – Рашидни таништирди.

Рашид билан бир соатга яқин суҳбатлашиб ўтирган Рамзия йигитнинг таглитахтли оиладанлигини, опаакаси уйли-жойли бўлиб, алоҳида яшашини, бадавлат оиланинг бор бисоти мана шу кенжатойга қолишини билиб олди. “Қизим ҳам бало, шундай лаққани тўрига илинтирибди”, дея ўзича қувонди.

Рашид Аминани ишхонасидан уйига бемалол кузатиб келадиган бўлди. Қимматбаҳо машинанинг овози эшитилгандан Рамзия ҳар қандай ишини ташлаб, хонтахта атрофидаги кўрпачаларни янгилар, қайнаган чойни дамлай, бошлаганда дарвозада ёшлар кўринишарди. Амина йигит билан етаклашиб, уйига келишга уялса ҳам онаси ҳар гал турли баҳоналар билан Рашидни яна келишга кўндириб, ваъдасини оларди.

Бу гал ҳам Рашид тўғри келиб, бўлажак қайнонасига товозе билан салом бериб, елкасини тутди. Аёл у билан кўришгач, кўрпачага таклиф қилиб, йигит ўтириб улгурмай, хонтахтадаги ноз-неъматларнинг юзидаги докани олди. Фотиҳа ўқилгач, чой қуйиб, йигитга узатди. Унинг “шошиб турибман” деганига қарамай, ярим косагина шўрва сузиб келди.

– Ойи, Рашидни ҳадеб уйга таклиф қилаверманг, – уни кузатишгач, Аминанинг ғаши келди. – Нима қилади келавериб? Қўшнилар нима дейди?

– Қўшнилар билан ишинг бўлмасин! – қизини жеркиб ташлади она. – Бунақангги бойвачча куёв кўчада қолмаган. Уйга келиб-кетиб турса, меҳри кучаяди. Тўйни тезлатади.

– Майли-ю... уяляпманда. Унинг устига “негадир оёқ-қўлларим қақшаб оғриб, лоҳас бўляпман” деётганди. Уйига тезроқ бориб, дам олмоқчийди.

“Ура! Овқатга солинган оз миқдордаги “дори” таъсирини бошлабди!” ичида хурсанд бўлди она.

Рашид иродасизлик қилдими ё Рамзиянинг қилаётган ишларини фаҳмлаб етмадими, ўзига қилдирилган “сеҳр-жоду, илм-амал”ни “тозалатиш” учун бўлажак қайнонасига анча-мунча маблағ берди. Охир-оқибат танидаги тушунуксиз оғриқнинг давосини фақат Рамзиянинг ярим косагина қайноқ суюқ овқатидан топадиган бўлди.

* * *

Рашиднинг ота-оналари бўлажак келинларини кўриб, ёқтиришди. Суриштирганларида ҳамкасблари ва қўшнилар оғизларидан бол томиб мақташди-ю оиласи ҳақида гап кетганда мум тишлаб қолишди.

– Болам, Амина яхши қиз, лекин онаси чатоқ аёл экан, – Рашиднинг ота-онаси унга ётиғи билан тушунтирмоқчи бўлишди. – Икки марта қамалган, кинначи... Отасини ҳам наркотик туфайли ўлдириб кетишган экан. Келажагингни ўйла, болам. Бу оила бизнинг тенгимиз эмас...

– Уйлансам, фақат шу қизга уйланаман. Бошқа гапни эшитишни ҳам хоҳламайман. Хоҳласаларинг – тўй қилинглар, бўлмаса – йўқ. Мен уларнинг уйига ичкуёв бўлиб бораман деб ваъда берганман.

– Ҳой бола, ақлинг жойидами? Шунча уй-жойинг, мол-дунёйинг туриб, қайси юзинг билан ичкуёв бўласан? Эшитганлар нима дейди?

– Ким нима деса дея-версин. Менинг аҳдим қатъий. Мен ўша хонадонга ичкуёв бўламан. Менга атаганларингизни беринг, мен тўйсиз ҳам бориб яшайвераман уларникида.

– Сенга нима бўлди, ўғлим? Нега бунчалик бетгачопар бўлиб қолдинг? Ким сени йўлдан уряпти? Ақлингни йиғ. Сендан умидимиз шумиди? Қаерда, нима қилиб юрганингни ҳам айтмайсан. Машинани икки марта авария қилибсан, – адаси босиқлик билан ўғлини сўроққа тутди. – Биздан бир-биримизга билдирмасдан даста-даста пул оласан, нимага сарфлашингни айтмайсан. Сен қачондан буён ота-онангдан гап яширадиган бўлиб қолдинг? Шундай ўғлимиз бор деб фахрланиб юриб, қачон, кимга сени бой бердик? Нега бегонага ўхшаб қолдинг?

Рашид лом-мим демади...

Орадан бир ой ўтиб-ўтмай Рашид Аминага уйланди. Совуққина ўтган тўйга саноқли меҳмон ташриф буюрди. Рашиднинг ота-онаси элдан номус қилиб, уни тўйдаёқ келиннинг уйига бориб яшашига унамадилар. Ўғиллари оёқ тираб туриб олгач, тўйдан кейин бир ой ўтиб, кўчиб кетишига рози бўлишди.

Ўзи туфайли бўлаётган гап-сўзлардан, айниқса, Рашиднинг ота-онаси ўзини келин қилишга ноиложликдан рози бўлганини сезиб-билиб, сиқилганидан бир бурдагина бўлиб қолган Амина бир куни кечаси безовталик билан қўшни хонага кириб кетган эрини кута-кута хавотирланиб, ортидан ўша хонага кирди-ю даҳшат билан қичқириб юборди: хона ўртасида билагига санчилган шприцдан тизиллаб чиқаётган қонга беланиб, Рашид ўликдек чўзилиб қолганди...

Шифокорларнинг саъй-ҳаракатлари билан Рашиднинг ҳаёти сақлаб қолинди. Бироқ у Аминани, унинг онасини кўриш, улар билан гаплашишдан қатъиян бош тортди. Ота-онасига етказган озорлари учун узр сўради.

– ... Ойи, нега, нега уни бу йўлга бошладингиз? Нега мени бахти қаро қилдингиз? Нега бахтимни ўғирладингиз?

Кинна солиш баҳонасида хонадонидаги бангихонани гуллатаётган Рамзия қизининг саволларига жавоб бера олмади. Нима ҳам десин? Ўша, мени озодликда кутиб олиш учун борганингдаёқ сени ойдек гўзал қиз бўлиб етилганингни кўриб, бой-бадавлат яшаш, мол-дунё орттириш йўлида сендан фойдаланишга аҳд қилгандим. Сенга шайдо бўлган Рашид билан танишгач, ниятим ўзгарди. Ҳалиям ундан ундирганларимни ўлгунимча еб ётсак, етади, десинми? Ахир Рашиднинг бой-бадавлат оиланинг фарзандилигини билганиданоқ “уни қўлга олишим, тузоққа тушириб, айтганимни қиладиган даражага етказишим шарт” дея аҳд қилмаганмиди? Бўлажак куёвига атаб пиширган таомларига оздан “дори” қўшишдан мақсади ҳам уни ипсиз боғлаб олиш эди-да. Охир-оқибат йигит “тайёр” ҳолга келгач, ҳам “дори”нинг қимматлиги, топиш қийинлашиб кетаётганини, ҳам қизини узатиш учун маблағи йўқлигини баҳона қилиб, йигитни эгри йўлга бошлаганларини айтсинми? Ё “ломка”га тушиб, титраб-қақшаб турган йигитнинг гоҳ тилла соатини, гоҳ жавоҳир кўзли узугини, занжирини ечиб олганини, хонадонидан олиб келадиган даста-даста пулларга қаноат қилмай, “кўки”дан талаб қилганларини айтсинми? “Қизимни тоғаси келин қилмоқчи”, “амакиси менинг фалончи дўстимнинг ўғлига берасан, чет элга олиб кетади деяпти” деганлари-чи? У шу йўллар билан йигитнинг оёқ-қўлларини занжирбанд қилиб, кейинчалик ҳам фойдаланмоқчи эди. “Ичкуёв қилсам, хоҳлаган пайтимда уйидаги мол-дунёсидан таширтиб, олдириб келаман”, деган хаёлда эди. Адашди. Ландовур куёв томирини тополмай, ишни пачава қилди. Шошилган-да...

Рашиднинг ота-онаси керакли ҳужжатларни тайёрлаб, ўғилларини Аминадан ажралиши ҳамда Рамзиядаги мол-дунёларини қайтариб олиш масаласида судга мурожаат қилишлари арафасида “мижоз”инининг билагига “дори” юбораётган Рамзия ҳуқуқ-тартибот ходимлари томонидан қўлга олинди. Судда Рамзияга шартли жазо берилди. Чунки пул, мол-дунё дардида ўзлигини унутган, ёлғизгина қизини ҳам бахти қаро қилган аёл тузалмас касалликка учраб, ўзи ҳам қорадорисиз яшай олмай қолган экан.

Дарвоқе, шифокорларнинг “саноқли умри қолган” деган гаплари тўғри чиқди. Суддан кейин икки ой ўтиб-ўтмай Рамзия вафот этди...

**Шаҳзода ХУДОЙБЕРДИЕВА.**

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Шахсий таркиб билан ишлаш хизмати раҳбарияти ва шахсий таркиби бўлим бошлиғи, подполковник Б. Қулбековга укаси

**Баҳодир ҚУЛБЕКОВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Тошкент вилояти ИИБ раҳбарияти ва шахсий таркиби бошқарма ЖИЭБ муассасаси туркум бошлиғи, катта лейтенант

**Эрлан БОЙМИРЗАЕВнинг**

бевақт вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур ҳамдардлик билдирадилар.

---

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси раҳбарияти ва шахсий таркиби иқтисодий фанлар кафедрасининг бошлиғи, подполковник Ш. Рустамовга онаси

**НАСИБА аянинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдирадилар.



АНДИЖОН ШАҲРИДАГИ «БУРГУТ» ҚАҲВАХОНАСИ. *Ғ. РАҲИМОВ сурат-лавҳаси.*

## ТАБАССУМ

**Икки хотин ўзаро суҳбатлашяпти.**
**Биринчиси:**
**– Мен кенжа ўғлимга хўжайинимнинг исмини қўйгандим, хурсанд бўлиб, маошимни оширди.**
**– Меники ҳам маошимни оширди, – деди иккинчиси.**
**– Сен ҳам исмини қўйганмидинг?**
**– Йўқ, фамилиясини бермадим...**

* * *

Янги тайинланган бошлиқ йиғилишда деди:
– Менгача ходимларнинг ярми ишлаб, ярми бекорчихўжа экан. Билиб қўйинглар, бундан буён акси бўлади!..

* * *

**Меҳмонлар кетишгач, хотин нолишга тушибди:**
**– Меҳмонларингиз ўғри экан...**
**– Нега унақа деяпсан?**
**– Ўтган куни ресторандан олиб келган иккита қошиғим йўқ.**

* * *

Қўриқлаш хизматида ишлайдиган ходимнинг қўриқлайдиган объекти яна биттага кўпайди. У яқинда уйланди...

* * *

**Касалхонадан яқиндагина чиққан киши ошнасига деди:**
**– Менга совға қилган соатни умринг охиригача ишлайди, дегандинг, бир ой ўтмай бузилиб қолди-ку?**
**– Кечирасан, ошна, лаънати дўхтир мени алдади.**
**– Соатга дўхтирнинг нима алоқаси бор?**
**– У менга сени бир ойга ҳам бормайди, деганди...**

Бир куни...

# ТЎРГА... ЎҒРИ ИЛИНДИ

Ёз жазирамаси кунлари кўп қаватли уйда яшашнинг ўзи бўлмайди. Иссиқнинг тафтидан алламаҳалгача ухлолмай, телевизор томоша қилиб ўтирдим. Маҳаллий кўрсатувлар ҳам тамом бўлгач, зерикканимдан туннинг майин шабадасидан баҳраманд бўлиш мақсадида пастга тушдим. Ҳамма ширин уйқуда. Бир маҳал уйнинг чекка кириш йўлагидан кимдир у ёқ-бу ёққа аланглаганича эҳтиёткорлик билан чиқди-ю, қўлидаги қопини ўт-ўланлар орасига яшириб, яна ичкарига кириб кетди. Ярим тунда қоп орқалаган кимсанинг кимлигига қизиқиб қолдим. Тезда яширилган қопнинг ёнига келдим-да, унга қўл солдим. Қопда бир неча электр ҳисоблагичлар бор эди. Бу тунги "меҳмон" ҳақида кўп эшитгандим. Ҳатто қўшни маҳалладагилар уни ушлаш учун бир неча ой навбатчилик ҳам қилишди. Аммо у тутқич бермаганди. Қулай фурсат келди-ю, лекин уни қандай қўлга туширишим мумкин? Ёлғиз ўзим бу ишнинг уддасидан чиқолармиканман? Қўни-қўшниларни ёрдамга чақирай десам, у жуфтакни ростлаб қолиши мумкин... Шу пайт ўғри юқори қаватдан туша бошлади. Дарров дарахт панасига яшириндим. У яна иккита электр ҳисоблагични қопга жойлади-да, навбатдаги йўлакка кириб кетди. Ўт-ўланлар орасидаги "ўлжа"ни бир чеккага яширдим-да, ўзимни панага олдим. Қарасам, ёнгинамдаги балкон олдига тортилган арқонда балиқ овидан қайтган қўшнимнинг тўри осиғлиқ турибди. Уни қўлимга олиб, тунги "меҳмон"ни кута бошладим. Ўғри пастга тушди-ю ўт-ўланлар орасидаги "ўлжа"сини қидира бошлади. Мен вақтни бой бермай унинг устига тўрни ташладим. Саросимага тушган ўғри типирчилаганича тўрга ўралашиб қолди. Дарҳол қўшниларни чақирдим, улар билан, тўрга "илинган" ўғрини милиция таянч пунктига олиб бордик. У айбига иқрор бўлишдан бошқа чора тополмади.

**Худойберган ЖАББОРОВ.**

**ЎТГАН СОНДА БЕРИЛГАН СКАНВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ**

ЭНИГА:
**Назарбеков. Пир. Ток. Ер. Ашула. Термиз.Козим. Розетка. Ғиёс. "АН". Палла. Сув. Ун. Патир. Етти. Юбилей. Ровон. Бож. Эталон. Иҳота. Уч. Сил. Тай. Ола. Тоза. Ҳинд.**

БЎЙИГА:
**Воиз."Бета". Мовут. Зиғир. Ёт. Аруз. Нишон.Тана. Тим. Имтиҳон. Ҳа. Ҳилол. Крейсер. Парашют. Лекало. Лев. Бойлик. Декча. Баст. Ли. Пирожний. Итон. Насаб.**

## КРИПТОГРАММА

| | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 11 | 1 | 8 | 2 | 8 | - | | |
| 8 | 3 | 5 | 0 | 13 | 2 | - | |
| 7 | 2 | 9 | 6 | 1 | | | |
| 10 | 2 | 12 | 3 | 8 | 4 | 1 | 10 |

| | 1. Зоологиянинг итларни ўрганувчи бўлими. | 2. Таянч, пойдевор. 3. Ғалла экини. 4. Манзарали ўсимлик. | 5. Сут маҳсулоти. 6. Рақамли ўйин. | 7. Ибодат. 8. Оммавий кўтаринки қўшиқ. | 9. Инкор, қайтариш. 10. Автомобиль қисми. | 11. Осиё қитъаси ғарбидаги мамлакат. | 12. Парранда.13. Ўтказгич қаршилиги бирлиги. 14. Вақт ўлчови. | 15. Газлама. 16. Роғонали мослама. | 17. Сув қуши.18. Товуш. 19. Дўст, биродар. | 20. Лаҳза. 21. Бразилия адиби. 22. Шамсий ой. | 23. Баҳор айёми. 24. Осмон, кўк. | 25. Боғлаш ашёси. 26. Хушбўй суюқлик. 27. Нота. | 28. Ўй, мулоҳаза. 29.Темир йўл бекати. | 30. Ит зоти. 31. Жўхори дони ўзаги. |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1.Самарқанд вилояти шаҳри. 2. Абдулла Орипов шеъри. | | | | | 1 | | | | | | | | | |
| 3. Далил. 4.Шифобахш гиёҳ. 5. Мусиқа асбоби. | | | | 2 | | | | | | | | | | |
| 6.Вояга етмаган.7. Ўзбек маърифатпарвар шоири. | | | | | | 3 | | | | | | | | |
| 8. Чанқовбости ичимлик. 9. Физик зарра. 10. Мусиқа санъати. | | | | | | | | | | 4 | | | | |
| 11.Дорбоз анжоми.12."Шоҳнома"қаҳрамони. 13. Рақам. | | | | | | | 5 | | | | | | | |
| 14. Умид.15. Илм соҳиби, билимдон.16. Қувонч. | | | | | 6 | | | | | | | | | |
| 17.Тарози қисми. 18. Нефть маҳсули, ёқилғи.19. Дарахт. | | | | | | | | | 7 | | | | | 8 |
| 20. Давра қўшиғи. 21. Гул. 22. "Номаълум". | | | | | 9 | | | | | | | | | |
| 23. "Отелло" қаҳрамони. 24. Лавозим. 25. Обод маскан. | | | | | | | 10 | | | 11 | | | | |
| 26. Илтифот. 27. Қурол, аслаҳа. 28. Миллатдош, масҳабдош кишилар. | | | 12 | | | | | | | | | | | |
| 29. Қурилма. 30. Хорижий валюта. 31. Муқаддас даргоҳ. | 13 | | | | | | | | | | | | | |

**Фозилжон ОРИПОВ тузди.**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI IIV BIRLASHGAN TAHRIRIYATI

MANZILIMIZ: 700029, Toshkent, Yunus Rajabiy ko'chasi, 1

Bosh muharrir Shuhrat MURODOV

Bosh muharrir o'rinbosari Erkin SATTOROV
Mas'ul kotib Rahmatilla BERDIYEV
Navbatchi Qobiljon SHOKIROV
Sahifalovchi Zokir BOLTAYEV

TELEFONLAR:
Bosh muharrir o'rinbosari 54-37-91.
Kotibiyat 139-73-88.
Muxbirlar 59-27-15. 139-77-23.
Buxgalter 139-75-37.
Faks 132-05-51.
E-mail: urmvd@globalnet.uz

Tahririyat hisob raqami 20210000700447980001, MFO 00421. «Ipak yo'li» aksiyadorlik investitsiyaviy tijorat bankining Mirzo Ulug'bek bo'limi.

● Ko'chirib bosishda «Postda»dan olinganligini ko'rsatish shart
● Muallifning mulohazasi tahririyat fikriga mos tushmasligi mumkin. Maqolada keltirilgan misollar, raqamlar, ma'lumotlarning aniqligi uchun mualliflar javobgardirlar.
● Qo'lyozmalar tahlil qilinmaydi va qaytarilmaydi.

GAZETA O'ZBEKISTON MATBUOT VA AXBOROT AGENTLIGIDA 2003 YIL 24 NOYABRDA 007 RAQAM BILAN RO'YXATGA OLINGAN

Buyurtma J-001209. Bosilish — ofset usulida.
Hajmi — 6 bosma taboq. 52361 nusxada chop etildi.

Obuna raqamlari:
Yakka tartibda — 180
Tashkilotlar uchun — 366
Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Bosishga topshirish vaqti — 21.00.
Bosishga topshirildi — 21.00.

«O'zbekiston» nashriyot-matbaa ijodiy uyi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Alisher Navoiy ko'chasi 30-uy.

Ⓝ —Internet va xorijiy matbuot vositalari asosida tayyorlandi.